Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 143 (12.797)
21 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ ЯКШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

## ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИНДОНЕЗИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутати, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян бошлиқ СССР Олий Совети делегацияси 20 июнь эрталаб Узбекистон пойтахтидан Индонезияга жўнаб кетди. Делегация Индонезия Муваққат Халқ Консультатив Конгресси ва ўзаро ҳамкорлик халқ вакиллари Кенгашининг таклифига биноан жавоб визити билан Индонезияга бормоқда. Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари А. Т. Гончар, А. А. Епишев, И. В. Капитонов, А. Қаҳҳоров, Қ. Муртазоев, А. Н. Мясников, С. П. Павлов, С. Нолимбетов, М. Ю. Саломзода, Г. И. Чоговадзе бор.

А. И. Микоянни ва делегациянинг бошқа аъзоларини Тошкент аэровокзалида КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат И. М. Нажесткин, Узбекистон далаларида ўзаро текшириш олиб бораётган Туркманистон пахтакорлари бригадасининг раҳбари, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Ғафуров, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Туркистон Ҳарбий Округи ҳарбий кенгашининг аъзоси Н. С. Дёмин ва бошқалар кузатиб қолдилар. (УзТАГ).

# СУВЧИ

Саратоннинг жазирама кунлари келди. Далаларда қуюқ сароб жимирламоқда. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган ниҳоллар культивация, ўғит билан бирга сувни ҳам кўпроқ талаб қилмоқда.

Мўл ҳосил етиштиришда механизатор билан бирга марказий фигура ҳисобланган сувчиларимизнинг роли беҳнҳоя катта. Улар шу неча-кундузда ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладилар. Чунки улар экинга жон киргизувчи, дармон берувчилардир. Сувчи ернинг, тупроқнинг, қолаверса деҳқончиликдаги бошқа ҳамма ишларнинг самарасини оширувчидир.

Узбекистон КП Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг сувчининг ролини ошириш тўғрисидаги қарорида сувчиларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаб берилди. Сувчилар учун ер, сув, тупроқ шароитига қараб табақалашган норма белгилаш, нечаси сув тутадиган сувчиларга оширилган ҳақ тўлаш, ишнинг сон ва сифатига қараб мукофотлар бериш йўллари белгиланди. Бу, сувчиларимизнинг оғир шароитда ишлаши ва уларнинг мўл ҳосил учун курашда тутган ролига берилган катта баҳодир. Афсуски, айрим жойларда сувчиларга ва уларнинг меҳнатига тегишли эътибор берилмайди. Суғориш нормалари ошириб белгиланади. Натижада суғоришнинг сифати бузилади ва сувчининг масъулияти сусаяди.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари Узбекистон партия ташкилоти ва ҳукуматининг қарори асосида сувчиларни ғамхўрлик билан ўраб олишлари, уларга ҳар жиҳатдан яхши шароит яратиб беришлари, энг юқори разряд билан ҳақ тўлашни тартибли равишда жорий этишлари лозим.

Ҳозир ғўзани суғориш жуда суст бормоқда. Республикамизда биринчи суғориш энди 53,9 процент, иккинчи суғориш бор-йўғи 5,2 процент бажарилди. Сирдарё областида ва Қорақалпоғистон АССРда аҳвол айниқса ёмон. Бу ерларда ҳали иккинчи суғоришга киришилмаган ҳам. Андижон областини мустасно қилганда бошқа областларда ғўзани иккинчи суғориш 0,6-4,3 процент ўртасида бажарилган холос. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд областларида ва Қорақалпоғистон АССРда катта-катта майдонлардаги ғўзалар чанқатиб қўйилганлиги тўғрисида ташвишли сигналлар олинмоқда.

Бундай ёмон аҳволга ҳеч қандай объектив сабаб йўқ. Ғўза сув талаб эмас, деган фикр ҳам мутлақо нотўғри. Ҳозир ғўзага берилган сувнинг ҳар бир қатраси мўл ҳосилга хизмат қилади. Лекин, гап шундаки, жойларда суғориш сунъий равишда кечиктирилмоқда, сувдан нотўғри фойдаланилмоқда, сувчиларнинг меҳнатига тўғри ҳақ тўланмаётир. Суғориш устидан қаттиқ контроль ўрнатилмаётир.

Баъзи пахтакорларимиз орасида «ғўзани чиниқтириш» деган хаёл билан уни ўринсиз қантариб қўйиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бу усул айрим ерларга хос эканини, шу билан бирга тупроқ яхши ишланган, дала бегона ўтдан холи бўлиши шартлигини ҳисобга олмаётирлар, чиниқтиришни нотўғри тушуниб, ғўзани чанқатиб қўйиш кўра-била туриб ҳосилни қўлдан бой бериш эканлигини пайқаш керак.

Ғўзани суғоришдаги қолоқликни тугатиш ва экинни оби тобида қондириб суғориш учун сувчиларимизнинг ролини ошириш ниҳоятда зарур. Экинга сайқал берувчи, механизациянинг қудратини намойиш қилувчи, пахтакорнинг меҳнатига барака киритувчи сувчидир. Сувчи ҳосилни бор қилади ҳам, йўқ қилади ҳам. Яхши суғориб ёмон ғўзани тузатиб олиш, нотўғри суғориб, яхши ғўзани ёмон қилиб қўйиш мумкин. Сувчининг роли шундай зўрки, унинг иши билан культивациянинг, экинга солинган ўғитнинг қиммати анча ошиши ҳам, ҳавога совурилиши ҳам мумкин. Шундай экан, хўжалик раҳбарлари сувчиларга ғамхўрликни кучайтиришлари, улардан қаттиқ масъулият талаб этишлари, ҳар бир сувчининг ишини неча-кундуз кузатиб боришлари керак.

Экинни бостириб суғориш ҳосилга путур етказувчи энг хавфли нарса. Бостириб суғориш билан бошқа агротехника тадбирлари зое кетади, далада иш кўпаяди, ташвиш ортади. Чала суғориш ҳам шундай. Деҳқон тили билан айтганда чала суғориш — «дарди бедаволик».

Шу неча-кундузда қатор оралаларидан юрган культиватор, экинга солинган ҳар бир грамм ўғит, эгатда оққон ҳар бир қатра сув мўл ҳосилга мадад бўлади. Айниқса сув пахтачилик агротехникасининг онабошисидир. Шундай суғориш керакки, культивациянинг ҳам, ўғитнинг ҳам фойдаси ошсин ва қилинган меҳнат сира бекор кетмасин. Бунда сувчиларнинг маҳорати, уларнинг ғайрат ва матонати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бинобарин, сувчиларни ғамхўрлик билан ўраб олиш, уларнинг далаларда неча-кундуз сув тараши учун кенг имконият яратиб бериш лозим. Сувчиларга энг юқори—олтинчи разряд билан ҳақ тўлашни мустаҳкам жорий этиш, нечаси суғорувчиларга 25 процент қўшимча ҳақ тўлаш, ишнинг сифатига қараб мукофот бериб туришни кенг йўлга қўйиш зарур. Яхлит карталарга бир йўла бир неча сувчининг сув тараши катта аҳамиятга эга. Шундай қилганда чопиқ тракторларининг кенг фронт бўйлаб ишлашига яхши имконият туғилади. Колхоз ва совхозларнинг бригада бошлиқлари суғоришдан чиққан ерларни дарҳол қабул қилиб олишлари, сифатини текширишлари, ҳар бир сувчининг ишига ўша он баҳо бериб боришлари зарур.

Сувчи мўл ҳосилдан моддий манфаатдорлигини яхши англагандагина ўз ишига ихлос қўяди, масъулиятни чуқурроқ сезади. Узбекистон партия ташкилоти ва ҳукуматининг қарорига мувофиқ, йилнинг охирида олинган ҳосилга қараб, яъни маҳсулотнинг центнерига қараб ҳақ тўланишини, ҳосилдорлик плани ошириб бажарилса, қўшимча мукофот берилишини сувчиларга кенг тушунтириш — партия ва комсомол ташкилотларининг, агитаторларимизнинг муҳим бурчидир.

Бу йил республикамизда 5 минг гектар пахта ва бошқа экинлар эгилувчан найчалар билан суғорилиши керак. Бу усул сувни тежашга, меҳнатни камайтиришга кенг йўл очади. Истиқболи порлоқ бўлган бу прогрессив усулни кенг ёйиш—деҳқончилик маданиятини оширишнинг муҳим омилидир.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги моҳир сувчиларга бериш учун «Ғўзани суғориш устаси» деган значок таъсис этди. Бу значоклар билан бир неча сувчилар мукофотланди. Ленин уста сувчиларимиз саноқли эмас, улар жуда кўп—ҳамма ерда бор. Буларни мавсум давомида значоклар билан узлуксиз мукофотлаб туриш лозим. Сувчиларимиз пахта далаларида, эгат ораларида кўкракларига значок тақиб юрсинлар, улар бу билан ҳақли равишда мағрурлансинлар.

Республикамиз бу йил она-Ватанга камида 3 миллион 600 минг тонна пахта етказиб беради. Бу катта ҳосилни Узбекистон ССР ва Узкомпартиянинг 40 йиллиги тўйига совға қиламиз деб аҳд қилганмиз. Улкан хирмонда пахта фронтининг илғор гвардиячилари — сувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлади. Уларнинг моҳирона меҳнати ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади.

Ғўзани шу неча-кундузда саратон сувига қондирайлик! Сувчиларга меҳрибонлик қилайлик, уларнинг роли ва масъулиятини оширайлик!

# ХАЛҚЛАР БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

## ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

### Далумдаги қишлоқ хўжалик мактабида 1964 йил 18 июнда сўзланган

Дания Қишлоқ хўжалик кенгашининг муҳтарам раиси Андерсен жаноблари!

Муҳтарам Бош Министр Краг жаноблари!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Биз бугун Фюн оролингизда кўрган нарсаларимиздан ғоят мамнунмиз. Мен Дания деҳқонларининг меҳнати олдида, шу қадар яхши меҳнат қилган ва мамлакатингизда қишлоқ хўжалигини яхшироқ бошқариш юзасидан тавсиялар берган олимлар олдида бош эгаман.

Биз бугун яхши ишланган ажойиб далаларни, топ-тоза ва теп-текис экинзорларни кўрдик. Ана шу экинзорлардан ўтиб борар экансиз, шу экинларни парвариш қилаётган одамлар меҳр билан нақадар кўп ишлашганини кўрасиз. Шайтон ҳам уззукун тиниб тинчимайди-ю, лекин бундан нима фойда! деган матал бор. Ишлаганда ақл-фаросат билан ишлаш керак, сизларнинг далаларингиз эса бу ердаги одамлар зўр фаросат билан меҳнат қилишаётганини яққол кўрсатиб турибди. Такрор айтаманки, далаларингиздаги экинларингиз жуда яхши бўлиб, олаётган ҳосилингиз ҳам ажойиб.

Хўжаликларингизда яхши наслдан бўлган чорва молларини ҳам кўрдик. Сигирларингиз ғоят говмуш эканлигини, сути ниҳоятда серёғ бўлаётганини бизга гапириб беришди. Чўчқачиликни ривожлантиришда юксак муваффақиятларга эришгансиз. Фермалардан бирида дастлабки туғишдаёқ 15 та чўчқа боласи берган чўчқани кўрсатишди. Бу маҳсулдорлик соҳасида яхши натижа.

Биз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта-катта ютуқларингизга қойилмиз. Бугун чорва маҳсулотларингизни дастурхон атрофида татиб кўрдик. Биз бу маҳсулотларни бугунгина татиётганимиз йўқ; бир неча кундан буён мамлакатингизда меҳмон бўлиб турибмиз ва сизлар етиштирган маҳсулотларни танаввул қилмоқдамиз. Бироқ, Дания қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати юқори эканлигини мамлакатингизга келмасимдан аввал ҳам яхши билар эдим. Деҳқонларингиз ва олимларингизнинг меҳнати билан яратилган маҳсулотларни харид қилаётган совет кишиларидан сира шикоят эшитмаганмиз.

Суратда: Н. С. Хрушчевнинг Далумдаги қишлоқ хўжалик мактабида сўзлаётган пайти.
ТАСС махсус мухбири В. Егоров фотоси. (Фото-телеграф орқали олинган).

Аммо, сизларда қишлоқ хўжалиги қандай бошқарилаётганлиги тўғрисида ўйлаб турган ҳамма гапимни сизларга айтмоқчиман. Нуқул мақтов гапларини айтаберсаму, қишлоқ хўжалигингиз менда қандай таассурот пайдо қилгани хусусидаги фикримни ошкора айтмасам, ўзимга эп келадиган иш қилмаган бўлур эдим.

Мана шу Данияда баъзи жаноблар билан суҳбатлашар эканман, назаримда улар ойнасини парда босиб қолган кўзойнак тақиб олгандек бўлиб туйиляпти. У ёки бу мамлакат қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида ва айниқса Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида кўпинча билмасдан мулоҳаза юритадиган ғарб журналистлари уларнинг кўзойнагига ана шундай парда тўсиб қўйишибди. Албатта, мен шу ерда ҳозир бўлган ғарб журналистларини айтаётганим йўқ: булар сира ёлғон гапирмайдиган, фақат ҳақиқатни ёзадиган гениал одамлар. (**Залда шодиёна жонланиш**). Мен фақат ёлғон-яшиқ гапларни ёзадиган уйдирмачиларни гапиряпман. (**Залда шодиёна жонланиш. Қарсаклар**).

Сизларга очиқ айтиб қўяйки, бизнинг мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида баъзиларингиз жуда хира тасаввурга эгасиз. Бу ғоят зарарли нарса. Бир мардлик қилингизда, ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб, ўз фикрингизча нима яхшию, нима ёмон, шу ҳақда бор гапни қўрқмасдан айтингиз. Биз айтган фикрингизга тушуниб муносабатда бўламиз. Лекин шуни ҳам кўриб турибманки баъзиларингиз бизнинг қишлоқ хўжалигимиз тўғрисида нотўғри тасаввурга эгасиз. Сизлар ўйлайсизки, биз, образли қилиб айтганда, ерда ўрмалаб юрувчилармизу, шу сабабдан капитализм шароитида ўстирилган ҳар бир қўйга таъзим қиламиз. (**Залда шодиёна жонланиш**).

Чўчқачилик сизларда яхши йўлга қўйилганини боя сизларга айтдим, лекин бизнинг чўчқаларимиз ҳам хўжаликни бошқариш соҳасидаги системамиз учун қийиншиб, сизларнинг чўчқаларингиз билан беллаша олади. (**Залда шодиёна жонланиш. Қарсаклар**).

Сизларнинг яхшигина сутчилик хўжалигингиз бор. Говмуш, сути серёғ яхши сигирларингиз бор. Аммо, сизлар бу соҳада монополист эмассизлар, жаноблар. Биз бу ерга Совет Иттифоқининг вакили бўлиб келдик. Совет Иттифоқи ҳам сут чорвачилиги соҳасида кўпгина ютуқларни қўлга киритган. Биз ўзимизнинг совет, социалистик буқаларимизни сизларнинг капиталистик буқаларингизга қарши қўямиз, қани улар бир куч синашиб кўрсинлар-чи. (**Шодиёна жонланиш**).

Колхоз ва совхозларимизнинг меҳнаткашлари чорвачилик, паррандачиликнинг ҳамма турларида, селекция иши, ўсимликшунослик соҳасида юксак муваффақиятларга эришганликларидан далолат берувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу муносабат билан қуйидаги факт эсимга тушиб қолди: етти ёки саккиз йил муқаддам машҳур фермер Гарст биринчи марта бизнинг мамлакатимизга Америка Қўшма Штатларидан меҳмон бўлиб келди. Ўша пайтда мен Қора денгиз бўйида дам олаётган эдим, Гарст ҳам ўша ерга менинг олдимга борди. Иккаламиз бафуржа гаплашиб ўтирдик. Бизга ҳеч ким халақит бермади, нега десангиз, журналистларни олдимизга киритишмаган эди. (**Шодиёна жонланиш**).

(Давоми иккинчи бетда).

## Ҳурмат тахтаси

ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЕЗИЛАДИЛАР:

**Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармаси** (район ижроия комитетининг раиси **А. Ражапов**, бошқарма бошлиғи **М. Рўзимбетов**, бошқарма партия комитетининг секретари **К. Нуримбетов**, комсомол комитетининг секретари **А. Примов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Х. Исмоилова** ўртоқлар).

**Кегайли ишлаб чиқариш бошқармаси** (район ижроия комитетининг раиси **Ж. Бекбергенев**, бошқарма бошлиғи **Қ. Наврўзбоев**, бошқарма партия комитетининг секретари **П. Холмуродов**, комсомол комитетининг секретари **Н. Зоитов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **А. Сейитназаров** ўртоқлар).

**Хўжайли ишлаб чиқариш бошқармаси** (район ижроия комитетининг раиси **С. Юсупова**, бошқарма бошлиғи **В. Донцов**, бошқарма партия комитетининг секретари **Д. Ўжраев**, комсомол комитетининг секретари **Х. Рацов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Ж. Жўлдасов** ўртоқлар).

## МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

УРГАНЧ, («Совет Узбекистони» мухбиридан). Хоразм области пиллачилари Узбекистон ССР ва Узкомпартиянинг шонли 40 йиллик юбилейига муносиб тухфа тайёрладилар. Улар она-Ватанга пландаги 1100 тонна ўрнига 1150 тонна сифатли пилла сотиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар.

Илғор хўжаликлар мажбуриятга қўшимча равишда пилла топширяптилар.

## МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

*Бу йил ноз-неъматлар кони республикамизда эртанги сабзавот ва мевалар мўл етишди. Шу сабабли ҳам «Ташплодоовощтрест» коллективи Москва, Ленинград ва мамлакатимиздаги бошқа шаҳарларга сабзавот етказиб бериш планини ошириб адо этди. Сабзавот тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда тез суръатлар билан бормоқда. Москва ва ленинградликлар 7 минг тоннадан кўпроқ эртанги карам, кўк пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари олдилар.*

*Яқинда Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва республиканинг бошқа шаҳар темир йўлчилари узоқ йўлга мўлжалланган яшикларда қулупнай, гилос, олича, абрикос каби меваларни юбордилар. Ана шундай маҳсулотлардан 150 тоннасини Москва ва Ленинград магазинлари олди.*

**О. РУННОВ.**

## БЎЛИҚ ҒЎЗАЛАР

Ўз мажбуриятларини ортиғи билан бажаришни кўзлаб ишлаётган Жиззах бошқармасидаги Ленин номли колхознинг комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари 82 гектар майдонда ғўзанинг тез ўсиши ва ривожланишини таъминламоқдалар.

— Гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганмиз,— дейди бригада бошлиғи Қилич Бобомуродов.— Бригадада яганалаш тугалланай деб қолди. 50 гектар майдондаги ғўза қондириб суғорилди.

**Э. МИРЗАЕВ,**
**Э. ИБРОҲИМОВ.**

Танқид ўти билан

## БЕГОНА ЎТ ДАСТИДАН...

Пахтадан юқори ҳосил оламан, деган деҳқон шу кеча-кундузда тиниб-тинчимайди. Ғўзасига ўғит солиб суғоради, чуқур культивация қилиб, бегона ўтни йўқотади, ҳашаротга қарши курашади.

Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг кўпчилик бригадаларида ана шундай қизғин меҳнатни кўрмайсиз. Шоймардон Донийёров, Туроб Сариқулов ва Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза яганаси тугалланмаган, суғориш пайсалга ташлаб қўйилган. Культивациянинг сифати билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Натижада экин бегона ўтлар дастидан ривожланишдан орқада қоляпти.

Шоймардон Донийёров бригадаси билан танишайлик. 87 гектар майдонга чигит экқан бу бригаданинг 80 га яқин аъзоси бор. Демак, ғўзани кўнгилдагидек парвариш қилиш учун куч етарли. Афсуски, ўртоқ Донийёров «кўчатимиз текис, ҳосил ҳам бўп қолар», деб хом хаёл билан юрибди. Бўлмаса, шу кунгача ғўзасини яганадан чиқариб олмасмиди?

Бригадага иккита чопиқ трактори биркитилган. Лекин унинг биттаси тракторчи «йўқ»лигидан тақа-тақ тўхтаб турибди. Иккинчиси эса аранг юряпти. Оқибати хунук аҳволга олиб келди. 47 гектар ердаги ғўзани бегона ўт босиб кетди, 40 гектардан ортиқ ғўза сувга ташна бўлиб, сўлинқираб қолган. Бироқ, бу аҳвол бригада бошлиғи ўртоқ Донийёровни сира ташвишлантирмаяпти.

«Шарқ юлдузи» колхозининг раиси Ўраев, бош агрономи Донийёров ва партия ташкилотининг секретари Тошбоев ўртоқлар бепарволик касалидан қачон қутиладилар?

**Н. ТУРСУНОВ.**

# ҒАЛЛА ФРОНТИДА

## БУХОРО

*ҚИЗИЛТЕПА қабул пунктига ҳозирдаёқ янги ҳосил буғдойидан минг пуд келтирилди. Бу донни Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг юз центнерчи комсомол-ёшлар бригадаси етказиб берди. Республиканинг донгдор маккажўхорикори, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Очил Мўминов ана шу бригадага бошчилик қилмоқда. Очил Мўминов айни вақтда шу колхоз правлениесига ҳам бошчилик қилаётир. Деҳқонлар ўз мажбуриятларини бажариб, дастлабки маррани эгалладилар. 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан дон олинди.*

*Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхознинг Ҳамид Болтаев, Қоракўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхознинг Раҳмат Тўраев бошлиқ юз центнерчилар бригадалари ҳам давлатга дон сотиш юзасидан ўз мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.*

*Бухоро областида 33 та комсомол-ёшлар бригадаси юз центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда.*

## АНДИЖОН

ИЗБОСКАН ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда дастлабки минг гектар майдондаги бошоқли экинлар ўриб-йиғиб олинди. Бу ерда «Партия XX съезди» колхози дон экинлари ўримини тамомлади. Ҳар гектар ердан 35-40 центнердан арпа ҳосили кўтарилди.

Урим-йиғим суръатини тезлаштириш ва қабул пунктларига дон топширишни кўпайтириш учун Ёқубов номли, «Шарқ юлдузи», «Комсомол» ва «Ленинград» колхозлари комбайнларнинг икки сменада ишлашини жорий қилдилар. Кечаси ғалла ўрим-йиғимини энг малакали механизаторлар олиб бормоқда. Комбайнчилардан А. Умаров ва А. Қодировлар ҳосилни йиғиштириб олишда намуна бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири бир сменада 35-40 бункер дон тўкмоқда.

8-совхозда ғалла конвейер усулида йиғиштириб олинмоқда. Совхоз коллективи бу йил салкам чорак миллион пуд дон етиштириш учун мусобақалашмоқда.

## ТЕРМИЗ

ТЕРМИЗ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Жданов номли колхоз давлатга дон сотиш планини Сурхондарё областида биринчи бўлиб бажарди. Термиздаги Куйбишев номли, Карл Маркс номли ва Калинин номли колхозлар ҳам йиллик план ҳисобига топшириладиган доннинг сўнгги центнерларини тайёрлов пунктларига элтиб бермоқда.

## ФАРҒОНА

ЖДАНОВ номли колхозда Ўсанбой Суярқулов бригадаси Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасида буғдой ўримини ҳаммадан аввал тугаллаб, ғалабани қўлга киритди. Юз центнерчилар бўшаган ерларни маккажўхори ва оқжўхори экишга тайёрлай бошладилар.

«Партия XXII съезди» колхозидаги Ҳаким Қўзиев бригадасида ҳам планга нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп ҳосил олинди. Олтиариқ ғаллакорлари бу йил Ватан омборларига бир юз ўттиз тўққиз минг пуд дон тўкишга сўз беришди.

# ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўша вақтда Гарст мен шундай бир мамлакатга келдим-ки, бу ерда маккажўхори етиштириш соҳасида ҳеч бир яхши нарса кўрмайман, мен АҚШнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишидаги салобати билан буларни қойил қолдириб кетаман, деган фикрда эди. Суҳбатлашиб ўтириб, мен унга бундай дедим:

— Жаноб Гарст, хўжаликларимизни бир айланиб чиқинг, ўзингизни нимаики қизиқтирса, ҳаммасини яхшилаб кўриб олинг, ана шундан кейин сиз билан учрашайлик, ўшанда суҳбатимиз ҳам, чамаси, бошқачароқ савияда ўтса керак.

У худди шундай қилди. Гарст Одессага бориб, ўша ердаги селекция институтида бўлган вақтида «Одесская-10» навли маккажўхорини кўриб, шу маккажўхорининг сўтасини ўпиб олибди. Гарст-а, у ўз ишига ниҳоятда омил одам.

Советлар мамлакатини кезиб келганидан кейин Гарст билан иккинчи учрашувимиз тамомила бошқача вазиятда ўтди, энди у, кўп нарсаларни кўриб—бизда яхши нарсалар оз эмаслигини тушуниб қолган эди.

Суҳбатлашиб ўтириб, унга шундай таклифни айтдим:

— Келинг, маккажўхорининг селекция уруғларини айирбош қилайлик.

— Иложим йўқ, — деб жавоб берди у,—бизда бундай қилиш ман этилган.

— Ихтиёрингиз, — дедим мен ўшанда, — мен сизга селекция уруғларини айирбошлашни таклиф қиляпман, аммо бундай айирбошлашдан ким ютади-ю, ким ютқизади, буни билмайман. Лекин сиз ютқазиб қўясиз деб ўйламайман...

Мана шу Даниядаги баъзи кишилар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўз ютуқларини кўрсатар эканлар, афтидан, шундай деб ўйлаётганга ўхшайдилар — мана, Хрушчев келди, биз энди уни ҳайратга солиб қўямиз; совет коммунистлари гарчи ҳокимиятни қўлга олиб, уни сақлаб турган бўлсалар ҳам, қишлоқ хўжалигини тузук билмайдилар, биз уларга ақл ўргатиб қўямиз...

Мен бундай жанобларга очиқ айтмоқчиманки, — к ў з и н г и з н и очинг! Биз улуғ социализм мамлакатининг вакилларимиз! Биз қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида сизлар билан беллаша оламиз. Ўсимликшунослик селекциясини, навларнинг сифатини олиб кўринг. Академик Лукьяненко яратган «безостая-1» буғдой нави гектар бошига 72 центнергача дон ҳосили беряпти. Шу билан бирга бу буғдой сира ётиб қолмайди. Ана шу буғдойнинг унидан ҳар қандай таом тайёрлаш мумкин.

Украин селекционери ўртоқ В. Н. Ремесло ажойиб ютуқларга эришди. У кузги буғдойнинг гектар бошига 60 центнергача дон ҳосили берадиган «мироновская-808» навини яратди. Бундай ажойиб селекционерлар бизнинг мамлакатимизда кўп.

Машҳур академигимиз Пустовойт таркибида 52-54 процент мойи бўлган кунгабоқар навини яратди. Бундай ютуқларни дунё илгари кўрмаган эди.

Бу — мақтанчоқлик эмас, балки фактларни қайд қилиб ўтишдир. Энди кўп мамлакатлардан бизга мурожаат қилиб, уруғ сотинглар, деб илтимос қилишяпти. Баъзиларингиз бизга қишлоқ хўжалигида ўрмалаб юрган одамлар, деб қараяпсиз. Шундай позицияда турган кишилар миллий чекланиш дардига мубтало бўлиб қолган одамлардир. (**Залда шодиёна жонланиш. Қарсаклар**). Бундай одамлар ўз чегарасидан наригн ёқдаги нарсани кўришни истамайди. Бу — жуда зарарли дард. Шундай дардга мубтало бўлган кишиларга очиқ айтиш мумкинки, дардингизга даво изланг, давосини қанчалик эрта топсангиз, ўзингизга шунча яхши бўлади. (**Шодиёна жонланиш**).

Такрор айтаманки, бугун сизларнинг ажойиб далаларингизни кўрдим. Бизга мамлакатингизда қишлоқ хўжалигини бошқариш тажрибаси билан танишиш имкониятн бериб қўйилганлиги учун Бош Министр Краг жанобларига, қишлоқ хўжалик министри Скютте жанобларига, Дания Қишлоқ хўжалик кенгашининг раиси Андерсен жанобларига, бизга ўз хўжалигини кўрсатган Эриксен жанобларига ва бошқа фермерларга миннатдорчилик билдираман. Бу— ажойиб хўжаликлар экан. Лекин сизларга виждонан айтиб қўяйки, хўжаликларингизнинг миқёслари бизнинг мамлакатимизга тўғри келмайди. Фермаларингизнинг 10, 30, 50 гектардан ери бор экан. Бизда бундай хўжаликлар йўқ, шундай миқёсдаги хўжаликлар бизнинг мамлакатимиз учун орқада қолиб кетган босқичдир. Бизнинг хўжаликларимиз — колхоз ва совхозларимизда камида 500 ёки 1.000 гектар, йирик колхоз ва совхозларимизда эса 5.000 гектардан тортиб 20.000 гектаргача ер бор. Бизнинг миқёсларимиз ана шундай.

Хўш, сизларда ҳосил қандай бўляпти, ахир бу асосий масалаку? Сизларда маҳсулдорлик қандай бўляпти, деб савол беришингиз мумкин. Бу қонуний саволлар бўлиб, шундай саволларнинг туғилиши турган гап. Рост, бизнинг кўпгина хўжаликларимизда ҳосилдорлик сизларнинг мамлакатингиздагига нисбатан пастроқ. Шундай бўлаётганига сабаб нима? Сабаб шуки, сизлар ҳар гектар ерга 600 килограмм ёки ҳатто 1.000 килограмм минерал ўғит соляпсизлар. Хўш, башарти, шунча миқдорда минерал ўғит солиш имкониятига эга бўлмаганингизда, худои-таола ўзингизга бериб қўйган ер ҳозир сизлар олаётганчалик ҳосил берар эди, деб ўйлайсизларми? Албатта, бермас эди. Имоним комилки, гектар бошига ўн центнердан ортиқ дон ололмас эдингиз. Агарда биз ҳар гектар ерга худди шунча минерал ўғит солиш имкониятига эга бўлганимизда, сизларни ишонтириб айтаманки, биз ҳам худди ана шунча ва ҳатто сизларга нисбатан кўпроқ ҳосил олган бўлар эдик! Биз сизларга нисбатан баланд келган бўлар эдик! (**Залда шодиёна жонланиш**).

Бу ерда нима учун шу гапни айтаётганимни тўғри тушунишинглларни илтимос қиламан. Мен сизларнинг олдингизда мақтанмоқчи эмасман: сизлар жиддий одамсизлар ва қишлоқ хўжалигининг нималигини яхши биласизлар.

Борди-ю, мен бирон бемаъни гапни айтганимда ёки мақтанчоқлик қилганимда бу нарса ҳаддан ташқари майда гаплик ва бачканалик бўлур эди. Биз юртингизга асло шунинг учун келган эмасмиз.

Биз сизларнинг тажрибаларингизни ўрганишга тайёрмиз. Сизлар чамаси, гектар бошига ўрта ҳисобда 30-35 центнер дон олаётган бўлсангиз керак. Бу натижа чакки эмас. Лекин боя айтганимдек, сизлар ҳар гектар ерга 600 ва ҳатто 1.000 килограмм минерал ўғит соляпсизлар. Американиклар дон экинларига ўрта ҳисобда 260 килограмм ўғит солиб, ҳар гектаридан 17 центнер дон, 38 центнер маккажўхори ҳосили олишяпти. Бизнинг мамлакатимиздаги илғор хўжаликларда, яъни биз минерал ўғитлар бериб турган жойларда эса 50-60 центнер буғдой ва 100 центнер маккажўхори дони оляпмиз. Кўряпсизларки, дон экинларидан мўл ҳосил олиш бизнинг ҳам қўлимиздан келади. Аммо бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб турган кишиларга минерал ўғитлар ва гербицидлар сингари ҳосилдорликни оширишнинг қудратли воситасини бериб қўймоқ керак. Худди шу сабабдан биз: минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи химия саноатига етти йил ичида 10.5 миллиард сўм сарфлаб, шу тариқа 1970 йилда 70-80 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарамиз, деган қарорни қабул қилдик. Америка Қўшма Штатлари ўтган йили 35 миллион тонна ўғит ишлаб чиқарди. Биз эса 1970 йилда АҚШга нисбатан икки баравардан зиёд кўп ўғит ишлаб чиқарамиз.

Бу борада таққослаш учун олган шароитингиз тенг эмас: ўзингиз учун 1970 йилни олиб, АҚШдаги ишлаб чиқариш даражаси учун ўтган йилни оляпсиз, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, Америка Қўшма Штатлари бу соҳада тез ўсмайди, чунки у ерда ўғитнинг бозори касод бўлиб, моддий манфаатдорлик йўқ. Албатта, Қўшма Штатлар унчалик катта бўлмаса ҳам, маълум поғонага кўтарилади. Биз эса боя айтганимдек, 1970 йилда 70-80 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарамиз.

Ҳозир Совет Иттифоқида 200 миллион гектардан кўпроқ ҳайдаладиган ер бор. Ана шу ерларга минерал ўғит солмасдан биз гектар бошига ўрта ҳисобда 9-10 центнер дон ҳосили олиб келяпмиз. Минерал ўғит ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириб, дон экинларига ҳам ана шу ўғитлардан соладиган бўлсак, ҳосилдорликни тез ошира оламиз ва ўшанда дон экинлари етиштириш учун ана шунча миқдорда ҳайдаладиган ерлардан фойдаланишга унчалик эҳтиёж қолмайди. Биз дон экинларининг ўртача ҳосилини гектар бошига 25-30 центнерга чиқарсак, зарур миқдордаги донни камроқ майдондаги ердан олаверамиз.

Бугун биз сизларнинг сигирларингизни кўрдик, бу сигирлар таркибида 5 ва ҳатто 6 процент мойи бўлган сут берар экан. Бу ажойиб натижалардир. Лекин биз ҳам сизларга таркибида 5,2-5,5 процент мойи билан сут бераётган ўз сигирларимизни кўрсатишимиз мумкин. Борсанглар, кўрасизлар.

Мен бу гапларнинг ҳаммасини нимага айтяпман? Истагим шуки, кўзларингизни бир оз уқалаб, бизга калондумоғлик билан қарамасанглар-у, тўғрима-тўғри назар ташласанглар, деймаи, ана шунда тажрибаларни айирбошлаш ҳам яхшироқ ва самаралироқ бўлади.

Мендан кўпинча: хўш, Совет Иттифоқи нима учун ўтган йили бир қанча чет мамлакатлардан дон сотиб олди, — деб сўрашади.

Ҳа, дарҳақиқат, биз Канада, Америка Қўшма Штатлари, Австралия ва бошқа мамлакатлардан 12 миллион тонна дон сотиб олдик. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизнинг бир қанча асосий ғаллакор районларида қурғоқчилик бўлиб, бу ҳол дон ҳосилига жиддий таъсир кўрсатди. Қурғоқчиликнинг дон экинлари ҳосилига шунчалик қаттиқ таъсир кўрсатганига сабаб шуки, биз хўжалигимизни эскича усулда бошқариб келдик: ёмғир ёғса — мўл ҳосил олар эдик-да, қурғоқчилик бўлиб берса — ҳосил кам бўлиб, дон етишмай қолар эди.

Шундай ҳолларнинг бундан буён такрорланмаслиги учун биз қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг кенг планини ишлаб чиқиб, амалга ошира бошладик. Мен боя айтганимдек, бу план минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ва шундай ўғитлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни кескин кўпайтиришни кўзда тутади. Айни бир маҳалда биз жуда катта миқёсларда ирригация ишларини амалга оширишга киришдик.

Совет Иттифоқида 5 миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ва сувли ер бор. Биз ирригацияни бундан буён ҳам ривожлантиришни вазифа қилиб қўйиб, бу ишга катта-катта пул сарфлаяпмиз. Бу — бизнинг эҳтиёт тариқасидаги экинларимиз бўлади, бу ўринда биз қурғоқчиликка боғланиб қолмаймиз, чунки сувнинг келишини ўзимиз тартибга солиб турамиз. Бинобарин, биз ризқи-рўзимизни худои таоладан тилаб юрмаймиз, балки ўз қўлимиз билан биноға келтирамиз.

Биз дон маҳсулотларидан зарур резервлар яратиб қўйишни ва ярим йиллик ёки ҳатто бутун бир йиллик эҳтиёжга яраша ғалла ғамлаб олишни вазифа қилиб қўйдик. Бизнинг социалистик хўжалигимиз капиталистик хўжаликка, бизга нима сотишларига қарам бўлиб қола олмайди. Ўтган йили биз дон сотиб олиш учун бозор қидирганимизда, канцлер Аденауэр Россияга ғалла сотманглар, у сиёсий ишларда аввал ён берсин, деган гапни айтганини сизлар, хойнаҳой, эшитгандирсизлар. Мен бундай «доноларга», сиёсий рақибларимизга: ўзларингиз тупроққа кириб қурт-қумурсқага ем бўлиб кетишингиз мумкин-у, аммо Совет Иттифоқи туб, принципиал масалаларда асло ён бермайди, деган бўлур эдим.

Биз иқлим шароитида ўзгаришлар бўлиб туриш эҳтимолини олдиндан кўра билмоғимиз керак. Бундай ўзгаришлар эса ҳамма вақт бўлиб туриши мумкин, буни ўз тажрибаларингиздан биласизлар, чунки сизларнинг қишлоқ хўжалигингиз ҳам об-ҳаво шароитининг таъсиридан холи эмас. Иқлимдаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолмаслик учун биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан резервлар яратиб олмоғимиз керак. Биз эса худди ана шундай резервларни яратиб оламиз ҳам. Бу — бизнинг об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликларидан ҳимоя қиладиган совутимиз бўлади.

Энди қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш қайси йўлдан бориши ҳақида гапирайин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаш асосий йўл бўлади. Биз, масалан, чўчқа гўшти, тухум ва парранда гўшти етиштиришни саноат тарзига кўчиришга ҳаракат қиляпмиз.

Чўчқа гўшти етиштирувчи заводни сотиб олишни бизга таклиф қилаётган Америкадаги бир фирманинг президенти билан яқинда суҳбатлашдим. Ана шу заводда ҳар йили ҳар бири юз килограмм келадиган чўчқадан 250 мингта етиштирилади. Шунда чўчқани бир килограмм семиртиришга 3,5 килограмм озуқа сарфланади. Заводга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳаммаси 126 кишидан иборат бўлади.

Америкадаги ана шу фирманинг президенти жаноб Фини билан суҳбатлашган вақтимда, у: маккажўхори етиштириш — Гарстнинг, фермернинг иши, чўчқа гўшти етиштириш эса — инженерлик иши, деди.

Энди парранда гўшти етиштириш ҳам худди ана шундай инженерлик иши бўлиб қолди. Бундан сал илгарироқ биз американиклардан паррандачилик фабрикаси сотиб олган эдик. Лекин тежамкорлик қилишга уриниб, баъзи бир агрегатларни сотиб олмабмиз. Мен шундай қилган кишиларни жуда қаттиқ койидим, — улар ўйламасдан иш тутишган. Натижада шундай бўлдики, ана шу фабрикани ишга туширган вақтимизда, у Америка фирмаси мақтаган кўрсаткичларни бермади. Америкадаги шундай фабрикада бир киши 100 мингта товуққа қарайди, бизда эса 20 мингта, яъни беш баравар кам товуққа қараяпти. Американиклар товуқни 1 килограмм семиртиришга 2,5 килограмм озуқа сарфласа, бизда 3,5 килограмм озуқа сарфланяпти. Нега шундай бўлаётганини биз биламиз, шундай дарддан қутулишнинг давоси нима эканлигини ҳам биламиз. Биз қўшимча агрегатларни сотиб оламиз, қатъий технология линиясини барпо этамиз ва АҚШдаги сингари кўрсаткичлар билан ишлайдиган фабрикани вужудга келтирамиз.

Биз Британиянинг Москвада ўтказилган қишлоқ хўжалик виставкасида кўпгина диққатга сазовор нарсаларни кўрдик. Биз инглиз фирмаларидан тушган конкрет таклифларни ўрганиб чиқдик.

Йирик миқёслардаги сермаҳсул қишлоқ хўжалиги—бизнинг айни муддаомиздир. Сизларда бундай хўжалик йўқ, чунки хўжаликларингиз гарчи ғоят маҳсулдор бўлса ҳам, асосан майда хўжаликлардир. Аммо бошқа шароитлари бир хил бўлгач, механизациялаштирилган йирик хўжаликнинг майда хўжаликка нисбатан кўпроқ маҳсулот бериши турган гап.

Совет Иттифоқи Даниядан баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олмоқда ва, эҳтимол, маълум вақт мобайнида биз сизлардан шундай маҳсулотларни ҳали сотиб ола берсак керак. Лекин мен қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб, сизлардан ҳамма нарсани сотиб оламиз, деб ваъда бермоқчи эмасман. Сизлар биласизларки, бизнинг мамлакатимизнинг ўзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадимдан экспорт қилиб келаётган мамлакатдир. Модомики, биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳозир сотиш ўрнига, сотиб олаётган эканмиз, бу биринчи галда ўтмишдан мероснинг натижасидир, ўтмишда Сталиннинг хатолари сабабли қишлоқ хўжалиги узоқ вақтгача ҳаддан ташқари хароб аҳволда қолиб келди.

Биз қишлоқ хўжалигимизда вақтинча юз берган қийинчиликларни қисқа муддат ичида бартараф қилмоқ учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз ва бошқа чораларни кўряпмиз. Биз қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифаларини уддалаш социалистик системанинг қўлидан келмайди, деган даъволар билан социализмга туҳмат қилаётган одамларнинг дамини ичига тушириб юборамиз.

Сизларни чўчитмоқчи эмасман-у, лекин шуни айтиб қўйишим шартки, Совет Иттифоқини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пул қилиб оладиган каттагина бозор деб, умидвор бўлиш ярамайди. Сирасини айтганда, бизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб экспорт қилиб келар эди ва яқин келажакда яна шундай бўлиб қолиши турган гап. Аммо шу борада сизлар билан бизнинг ўртамизда масала туғилиб қолгудек бўлса, дўстона, яхши қўшничилик муносабатларига эга бўлганимиз учун бундай масалаларни ҳамма вақт бартараф этиш мумкин, албатта.

Шу муносабат билан баъзи дўстона тавсияларни айтиб қўйишни ўзимга лозим кўраман. Лекин мени қандайдир сиёсий фикрлар тақозоси билан шундай қиляпти деб ўйламанглар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларингизни сотиш учун қўшимча равишда ишончли ва барқарор бозорга эга бўлайлик, десанглар, Германия Демократик Республикаси билан савдо муносабатларини боғланглар, Чехословакия билан яхши савдо муносабатлари боғланглар. Худди ана шу мамлакатларни тилга олаётганимнинг боиси нимада? Бунинг боиси шундаки, булар—саноати юксак даражада ривож топган, турмуш даражаси юқори бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ғоят кўп истеъмол қиладиган мамлакатлардир. Аммо аҳоли жон бошига Германия Демократик Республикасида 0,13 гектар, Чехословакияда 0, 14 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келади, холос.

Кунлардан бир куни уйқудан туриб, Германия Демократик Республикаси йўқ бўлиб кетганини эшитаман, деб ўйлаётган одамлар чучварани хом санаб юрибди. Биз бундай одамларни ишонтириб айта оламизки, уларнинг ўзлари йўқ бўлиб кетишлари мумкин-у, лекин Германия Демократик Республикаси ривожлана беради ва барқ уриб яшнай беради! Дания учун бу мамлакат савдо-сотиқ соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш соҳасида жуда яхши партнердир.

Дўстлар! Сизларга батамом очиқ қилиб шуни айтиб қўймоқчиман: агар биз қишлоқ хўжалик соҳасида етти йилдан кейин ёки 5 йилдан кейин ҳозирги аҳволда қола берсак, ўшанда коммунистлар гапининг бурди йўқ одамлар экан, деб айтишинглар мумкин. Мен шунга чуқур аминманки, биз жуда яқин фурсат ичида қишлоқ хўжалигимизни тез юксалтиришга эришамиз ва совет социалистик қишлоқ хўжалиги нималарга қодир эканлигини сизларга кўрсатамиз!

Буни менинг мажбуриятим тариқасида ёзиб қўйинглар!

Эндиликда социализмга душманлигидан кўзи ожиз бўлиб қолган одамларгина гўё социалистик система яшашга қобилиятли эмас, деб аюҳаннос солишлари мумкин. Бу — янги нағма эмас, албатта. Мамлакатимизда амалга оширилган Октябрь революциясидан кейин Россияда большевиклар бир ҳафтами, икки ҳафтами «тўполон» қилиб юради-да, кейин йўқ бўлиб кетади, деб чинакам умид сақлаган одамлар бўлган эди-ку, ахир. (**Шодиёна жонланиш**). Қанчадан буён «тўполон» қилиб юрганимизни кўряпсизлар-ку! Қирқ етти йилдан буён-а! Тағин фақат ердагина эмас, космосда ҳам. Яқин келажакда эса Ойга учмоқчимиз. Мақсадимиз у ерда яшаш эмас, балки Ойда нималар бўлаётганини кўриб келишдир. (**Шодиёна жонланиш**). Биз Ойга, албатта, чиқамиз! (**Қарсаклар**).

У ерга ким олдин чиқади—бизми ё американикларми, — буни турмуш кўрсатади. Американиклар олдинроқ чиқишмоқчи—майли уриниб кўришсин. Унда биз уларнинг тажрибасидан фойдаланиб, албатта, ўша ерга чиқиб келамиз.

Дўстлар! Менинг мана шу ошкоро нутқимдан кейин, билмадим, бугунги учрашувимизга қандай баҳо берар экансизлар. Бироқ менинг фикримни тўғри тушундинглар, деб ўйлайман. (**Қарсаклар**). Шу нарсани яна бир карра тамомила аниқ қилиб уқтириб айтмоқчиманки, Дания халқи тўғрисида, сизларнинг ўз хўжалигингизни бошқаришдаги ютуқларингиз ҳақида қандай жуда яхши фикрда бўлсам, худди шу фикримда қолдим.

Бунинг устига энди бу фикрим тағин ҳам кучайиб кетди. Бизнинг халқимиз Дания ишчилари, деҳқонлари, инженерлари, олимларининг меҳнатига, Дания халқининг меҳнати ва ютуқларига ҳамиша чуқур ҳурмат билан қараб келди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли амалий алоқалар ўса бериши ва мустаҳкамлана бериши керак. Масалан, сизларнинг кемасозлик корхоналарингиз бизнинг заказимизга биноан, Совет Иттифоқи учун қўшимча 4 та кема қуриб беради, деб куни кеча имзоланган шартнома бунинг конкрет ифодасидир. Биз, чамаси, сизлардан сут маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари сотиб олсак керак. Шундай маҳсулотларни фақат бу йил харид қиламиз, деб айта олмайман; эҳтимол, келажакда ҳам бундай товарларни сотиб олармиз. Кўп ёки оз миқдорда сотиб олишимиз — қишлоқ хўжалигимизда вужудга келадиган шароитларга боғлиқдир.

Сизларнинг орангизда шундай гапларни эшитдимки, Ғарбий Германия ва Италияда экинлар қуриб қолибди, деган хабар келса, маҳсулот экспорт қилувчи баъзи данияликларнинг кайфи чоғ бўлар эмиш. (**Шодиёна жонланиш**). Аммо бизнинг мамлакатимизда ҳам экинларни офтоб уриб кетсин, деб худодан тилайдиган бўлсангиз, пушаймон бўлиб қоласиз. Бу йил ҳосилни табиий офат уриб кетишига йўл қўймаслик учун меҳнатимизни аямай сарфлаймиз.

Арш-аълода худо бор, ўша ердан у ҳамма нарсани кўриб туради, дейишади. Шу гапнинг рост-ёлғонлигини текшириб кўриш учун биз космосга аввал биринчи космонавтимизни, орқасидан иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи космонавтимизни юбордик. Шундан кейин эса аёл кишини чиқардик—у серҳафсаларoқ одам бўлгани учун ҳамма нарсани тузукроқ кўриб келиши керак эди. Космонавтларимизнинг ҳаммаси космосда нима борлигини кўришди. Ерга қайтиб тушгач: ҳеч гап йўқ, ҳамма ёқ бўшлиқдан иборат экан, дейишади. (**Шодиёна жонланиш**).

Мамлакатимизда экинларнинг бу йилги аҳволидан гапирадиган бўлсак, нолийдиган еримиз йўқ. Мамлакатнинг бир қанча районларида арпа, буғдой ҳозирданоқ йиғиштириб олинмоқда. Ҳозирча ҳамма иш яхши кетяпти. Биз Сибирдан олаётган маълумотлар ҳам кишини қувонтиради. Лекин янги ҳосилга баҳо беришга деҳқонлар таомили билан ёндошмоқ керак. Улар омборга тушган ҳосилни ҳосил дейишади, далада турган ҳосил эса ҳар хил ўзгаришларга дуч келиши мумкин.

Пировардида шуни яна бир карра айтмоқчиманки, Дания қишлоқ хўжалиги билан танишишдан биз ғоят мамнун бўлдик. Биз, чамаси илмий ва селекция иши соҳасида сизлар билан тажриба айирбошласак, маълум миқдордаги наслдор молларингизга, айниқса сигирларингизга, қолаверса чўчқаларингизга харидор бўлсак керак. Лекин мен ўз чўчқаларимиз ҳам чакана эмаслигини боя айтиб ўтдим. Менга айтишларича, жаноб Бош Министр, гўё сизларда наслдор чўчқаларни экспорт қилишни тақиқловчи қонун бор эмиш.

Қонунларингизни танқид қилишни ўзимга эп кўрганимни айбга буюрмассизлар-у, лекин шуни айтишим кераки, бу — унчалик ақлга сиғадиган қонун эмас. Агар биз, масалан, инглизлардан наслдор чўчқаларни сотиб оламиз десак, улар жон деб сотишади. Аммо мен сизларнинг ички ишларингизга аралашмоқчи эмасман, ўз қонунларингизни ўзларингиз суриштириб кўраверинглар. (**Залда шодиёна жонланиш**).

Самимият билан кутиб олганлигингиз, илтифотингиз учун сизлардан миннатдорман. Сизларнинг ютуқларингиздан қувонаётган ва тағин ҳам кўпроқ ютуқларга эришувингизни тилаётган совет кишиларидан сизларга салом топширишимга рухсат бергайсиз. Биз сизлар билан дўст бўлиб, тинчликда яшашни истаймиз: бу нарса сизнинг халқингиз учун фойдалидир, бу нарса бизнинг халқимиз учун фойдалидир, бу нарса жаҳондаги ҳамма халқлар учун фойдалидир.

Илтифотингиз учун ташаккур! (**Гулдурос, давомли қарсаклар**).

# САМИМИЙ УЧРАШУВ

КОПЕНГАГЕН, 20 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Кеча кечқурун студентлар уюшмаси уйининг катта зали «Дания—СССР» жамияти ва студентлар бирлашмасининг йиғилиши бошланишидан анча вақт илгари данияликлар билан лиқ тўлган эди. Улар ҳурматли меҳмон — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашиш учун бу ерга келган эдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Совет ҳукуматининг бошлиғини шодиёна кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев залга кириб келганида ҳамма ўрнидан туради ва гулдурос қарсаклар билан СССР Министрлар Совети Раисини ва унинг ҳамроҳларини табриклайди.

Йиғилишга Н. С. Хрушчев билан бирга Дания ташқи ишлар министри П. Хеккеруп, маориф министри Х. Петерсен, балиқчилик министри А. Норманнлар ҳам келдилар.

Совет Иттифоқи ва Дания байроқлари билан безатилган студентлар уюшмаси уйига кираверишда меҳмонларни «Дания—СССР» жамиятининг раиси К. Томсен, студентлар уюшмасининг раиси Е. Сейденфаден ва бу ташкилотларнинг бошқа раҳбарлари кутиб оладилар. Улар ўз меҳмонларини қизғин табриклайдилар.

Йиғилишда ҳамма томонидан самимий кутиб олинган Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчев ўз нутқининг бош қисмида «Дания—СССР» жамиятининг аъзоларини бу жамиятнинг 40 йиллик юбилейи билан қутлайди ва уларнинг совет ҳамда Дания халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларида янги муваффақиятларга эришувларини тилайди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Даниянинг барча радио тингловчилари ва телетомошабинларига, бутун Дания халқига қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилиб, бундай дейди: Совет кишилари Данияга ва унинг халқига нисбатан кўпдан буён дўстлик ва иззат-ҳурмат туйғулари билан қараб келмоқдалар. Дания халқи жаҳонга кўпгина атоқли ёзувчилар, олимлар, инженерлар ва маданият арбобларини етиштириб берди. Н. С. Хрушчев ёзувчилардан Ганс-Христиан Андерсен, Мартин Андерсен Нексе, олим Нильс Бор, рассом Х. Бидструпларнинг номларини атайди.

Н. С. Хрушчев Дания халқининг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган катта муваффақиятларини қайд қилиб, хусусан қишлоқ хўжалиги соҳасида тажрибаларни тобора кенг кўламда айирбошлашга даъват этди. Биз, дейди у, сизлар билан бажонидил ҳамкорлик қиламиз ва чорвачилик соҳасида ҳам, деҳқончилик соҳасида ҳам, селекция ишлари соҳасида ҳам тажрибаларни айирбошлаймиз.

Шундан кейин Никита Сергеевич Совет Иттифоқининг экономика, фан, маориф соҳасида ва совет халқининг фаровонлигини ошириш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида данияликларга сўзлаб беради.

Сўнгра Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг баъзи масалаларига тўхталиб, Н. С. Хрушчев қуйидагиларни таъкидлади: Ҳозирги вақтда инсоният учун жаҳон ракета-ядро урушининг олдини олиш, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Еппасига ва батамом қуролсизланишга бизни яқинлаштирадиган барча тадбирларни СССР қўллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи, деди яна Н. С. Хрушчев, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ҳақида бир қанча муҳим таклифларни илгари сурди. Бу таклифларни бемалол амалга ошириш мумкин.

Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики, Европада тинчликни таъминлаш — аввалдагидек ҳозирда ҳам энг муҳим проблемаларнинг биридир. Иккинчи жаҳон урушининг қолдиқлари тугатилмас экан, реал мавжуд бўлган икки герман давлати билан сулҳ шартномаси имзоланмас экан, деди Н. С. Хрушчев, — Европанинг марказида яллиғланиб турган ўчоқ, хатарли тугун сақланиб қолаверади. Бу эса қуролланиш пойгасини авж олдиришга ёрдам беради.

Германия Федератив Республикасининг иштироки билан НАТО «кўп томонлама» ядро кучларининг вужудга келтирилиши халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бермаслигини таъкидлаб, Н. С. Хрушчев бундай деди: Биз Европа марказида, қурол-яроғларнинг, хусусан ядро қуролининг тўпланишига кескин суратда қаршимиз.

Сўнгра, Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики, майда ёки кичик мамлакатларнинг халқлари ҳозирги халқаро аҳволнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишдан четда қололмайдилар ва қолмасликлари керак. Улар ҳам халқаро кескинликни юмшатишга, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ёрдам беришлари лозим. Шу муносабат билан Н. С. Хрушчев қуйидагиларни таъкидлади: Совет Иттифоқи Дания ва Норвегия ҳукуматларининг чет эл қўшинларини Дания ва Норвегияда жойлаштирмасликка қаратилган позициясига ва уларнинг НАТО кўп томонлама ядро кучларида қатнашмасликларига, шунингдек бу ҳукуматларнинг ўз мамлакатлари территорияларида ядро қуролини жойлаштириш ниятида эмасликларига юксак баҳо беради.

Финляндия Республикасининг президенти Кекконеннинг Европанинг шимолини атомсиз зона деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи ядросиз зоналар статусига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини яна айтди ва бунинг учун ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам ўз зиммаларига шундай мажбуриятни олишга тайёр туришлари шарт, деди.

Н. С. Хрушчев сўзининг охирида Дания—Совет муносабатлари ҳақида гапириб, бундай деди: Совет Иттифоқи билан Дания ўртасидаги муносабатларни турли социал тузумдаги икки давлат тинч-тотув яшашининг яхши намунасига айлантириш учун бизда керакли шарт-шароитларнинг ҳаммаси бор.

Совет ҳукумати бошлиғининг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди. Нутқ тамом бўлганидан кейин Н. С. Хрушчев саволларга жавоб қайтарди. Никита Сергеевич охирги саволга жавоб қайтариб, минбардан тушади. Ҳамма ўрнидан туради ва уни гулдурос қарсаклар билан узатиб қолади.

«Дания—СССР» жамиятининг раиси К. Томсен шу йиғилишда қатнашганлиги учун Н. С. Хрушчевга жамиятнинг барча аъзолари номидан ва шу залда ҳозир бўлган ҳамма кишилар номидан қизғин ташаккур изҳор қилади. У айтадики, Совет ҳукумати бошлиғининг Данияга қилган сафари данияликларда Совет Иттифоқига нисбатан жуда катта қизиқиш туғдирди ва антисовет пропагандистларини жуда оғир аҳволга солиб қўйди.

Йиғилиш тамом бўлди. Бу йиғилиш дўстларнинг самимий учрашуви эди.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи радио ва телевидение орқали, шунингдек «Евровидение» системаси орқали эшиттирилди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

21 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 143 (12.797).

Зоя Курегешева Тошкентдаги 159-трестнинг илғор кранчиларидан ҳисобланади. У смена ва ойлик топшириқларини ҳар доим 120-130 процентга етказиб бажариб, ўз касбдошларига ўрнак кўрсатмоқда. Суратда: З. Курегешева.

А. Тўраев фотоси.

# ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ҲОЗИРГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

**20 июнда Тошкентда Ўзбекистон партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш республикада илмий тадқиқот ишларини ва илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш тадбирларини муҳокама қилди.**

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар партия комитетларининг, шаҳарлардаги район партия комитетларининг идеология иши билан шуғулланувчи секретарлари, илмий тадқиқот муассасалари, ўқув юртларининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, фан ва техника арбоблари, Ўрта Осиё муассасалари, республика министрликлари ва бошқармаларининг раҳбар ходимлари, бир қанча корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Актив йиғилишини КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи билан очди.

Йиғилиш қатнашчилари содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиумини баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг раиси Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг илм-фан бўйича ўринбосари С. А. Асқарова республикада илмий тадқиқот ишларини ва илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилдилар.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори М. Қориев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Н. Набиев, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти партия ташкилотининг секретари Х. Исоев, пахта терими бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Е. В. Радкевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси С. К. Камолов, Тошкент политехника институтининг ректори М. Т. Урозбоев, СССР геология комитетининг геология ҳамда нефть ва газ манбаларини ишлаш институтининг директори И. М. Акрамхўжаев, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари М. П. Меднис сўзга чиқдилар.

Йиғилишда СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, СССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси В. А. Котельников нутқ сўзладилар.

Йиғилиш охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон партия ташкилоти активининг йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Актив ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат И. М. Нажёстнин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Краснов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашдилар (ЎзТАГ).

* * *

*(Актив йиғилиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларида берилади).*

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан

# РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА МУНОСИБ АРМУҒОН

Узбекистондаги олий ўқув юртлари оиласига яна бир фарзанд— Рус тили ва адабиёти республика педагогика институти қўшилди.

19 июнда Тошкентда янги олий ўқув юртининг очилиш маросими бўлди. Бу маросим халқлар дўстлиги ва қардошлигининг зўр ва таъсирчан байрамига айланиб кетди. Республика ҳаётидаги шу муҳим воқеага бағишланган тантанали митингда қатнашмоқ учун Узбекистондаги энг кенжа институт студентлари, ўқитувчилари, шаҳар жамоатчилиги, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари маросимлар залига тўпланишди.

Митингни республика олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов очди.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов митингда нутқ сўзлади.

— Мамлакатимизнинг, — деди нотиқ, — тарихий тараққиёти туфайли улуғ рус тили бошқа тилларга нисбатан энг кўп тарқалган тил бўлиб, жаҳондаги энг бой ва ривожланган тиллардан биридир, илғор рус фани ва маданиятининг, илғор рус пролетариатининг, социалистик революциянинг тилидир. Узбек халқининг ва Урта Осиё, Қозоғистон, Закавказьедаги бошқа халқларнинг илғор намояндалари рус тилининг кучи ва қудратини аллақачонлар билиб олдилар.

Рус тилининг шарофати билан, рус илмий адабиётининг шарофати билан республикада олий таълим ва илм-фан ривож топди, билимнинг ҳамма тармоқларида олимлар, педагоглар, мутахассислардан иборат миллий кадрлар ўсиб етишди. Бу процесс ажойиб рус олимлари В. И. Романовский, Г. Н. Черданцев, Е. П. Коровин, А. П. Бродский, Д. Н. Кашкаров, Т. А. Орлов ва бошқа кўпгина кишиларнинг номи билан боғлангандир. Уларнинг аксарияти Узбекистонга Владимир Ильич Ленин йўлланмаси билан келган эдилар. Рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг биринчи бўғини Узбекистон совет миллий мактабларида виждонан олиб борган самарали ишлари асло унутилмайди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, айниқса сўнгги чорак аср ичида, ерли аҳолининг рус тилини эгаллаб олишига ёрдам кўрсатиш учун республикамизда кўп ишлар қилинди. Умумий таълим мактабларида рус тилидан дарс беришни яхшилаш юзасидан жиддий тадбирлар амалга оширилди, дарсликлар, луғатлар, ўқув қуроллари яратилди, махсус кутубхоначалар нашр қилинди.

Узбекистон миллий мактабларида рус тилини ўргатишнинг ҳамма босқичларида биз РСФСР Маориф министрлиги ва Педагогика фанлари академиясидан, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигидан катта мадад олдик, улар бизга программалар, дарсликларни, рус тили ва адабиётидан дарс берувчи минглаб малакали ўқитувчиларни, илмий ходимларни юбориб турдилар. Бу беғараз ёрдам учун биз чин кўнгилдан миннатдормиз.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ишонадиларки, институт ректорати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар составн, студентлари, ишчи ва хизматчилари олий ўқув юрти олдида турган катта вазифаларни шараф билан адо этиш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

— Янги олий ўқув юртида,— деди институт ректори В. В. Решетов, — 1800 га яқин студент билим олмоқда, шуларнинг учдан бир қисми кундузги бўлимда ўқимоқда. Институт юқори малакали ўқитувчилар билан таъминланган. Ҳеч шубҳа йўқки, коллектив ўз олдига қўйилган вазифаларнинг уддасидан чиқади—бутун таълим-тарбия процессини тегишли савияга кўтаради, илмий тадқиқотларни кенг авж олдириб юборади.

Филология фанлари доктори М. А. Асқарова Низомий номли педагогика институти коллективи номидан гапириб, институт профессор-ўқитувчилар составини, студентларини ва ходимларини янги ўқув юртининг очилиши билан табриклади.

Учинчи курс студенти М. Сирожиддинова минбарга чиқади.

— Биз ажойиб совға олдик,— деди у. — Узбекистонда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлайдиган янги институт барпо этилганлиги — республикамизда халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукумат қилаётган жуда катта ғамхўрликнинг яна бир далилидир. Орадан кўп вақт ўтмай, биз, янги институт талабалари ҳам ўқитувчиларнинг кўп минг кишилик армияси сафига қўшиламиз.

СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин митингда нутқ сўзлади. У, тўпланганларни Узбекистон маданий ҳаётидагина эмас, балки бутун Совет Иттифоқи маданий ҳаётидаги

Суратда: рус тили ва адабиёти республика педагогика институти биносининг кўриниши. Г. Пун фотоси (УзТАГ фотохроникаси).

муҳим воқеа билан — маҳаллий миллат кишиларидан рус тили ўқитувчилари тайёрлайдиган мамлакатда биринчи махсус олий ўқув юрти очилаётганлиги билан қизғин табриклади.

— Кўп миллатли мамлакатимиз халқлари, — деди у,—алоқа боғлашнинг ягона воситаси бўлган бир тилга эга бўлмоқлари зарур. Шу тил ёрдами билан улар бирбирларининг фикрларини тушуна оладилар, шу тил орқали бир республика халқларининг муваффақиятлари бошқа республикаларнинг халқларига бемалол ёйиб турилади. Мен Узбекистонда рус тилини ўрганишга катта аҳамият берилаётганини хурсандчилик билан таъкидлайман. Узбекистон ўқув юртларида рус тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган бир қанча республикалараро кенгашлар ва конференцияларнинг ташаббускори бўлди. Шу муносабат билан Тошкентда ташкил қилинаётган Рус тили ва адабиёти республика педагогика институти айниқса катта воқеадир. Бу институт республика мактаблари ва олий ўқув юртлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаб берадиган марказ бўлиб қолмоғи керак.

Митингда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Краснов, СССР Фанлар академияси Президиумининг аъзоси В. А. Котельников ҳозир бўлдилар. (УзТАГ).

# МЎЛ ҲОСИЛ ИШҚИДА

(МУХБИРЛАР ХАТЛАРИДАН)

Қишлоқ мухбирларидан редакцияга келаётган хат-хабарларни варақлар экансиз, кўнглингиз қувончларга тўлади. Бирида дала гвардиячилари — моҳир механизаторларнинг ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаб, ўсимликнинг тупроқдаги озуқа моддаларидан, ҳаводан, иссиқликдан яхши баҳра олишига имконият яратиб бераётганликлари ҳикоя қилинса, иккинчисида—уста сувчиларнинг экинга кеча-кундуз жилдиратиб сув оқизиб, унинг кун сайин бўй чўзишига эришаётганликлари айтилади. Бошқа бир хатда химизаторларнинг ҳашоротни қираётганликлари, ўтоқчиларнинг ғўза тупларига туташиб кетган бегона ўтларнинг биттасини ҳам қолдирмаётганликлари хабар қилинади.

Қаранг, У. Қўчқоров, А. Тиллаев, Э. Нуъмонов, А. Қорахўжаев ўртоқларнинг Андижон областидан йўллаган хатларида мана, нималар дейилади:

— Задарё бошқармасидаги «Правда», Наманган бошқармасидаги Свердлов номли ва «Ленинград», Андижон бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозларининг механизаторлари ўзаро мусобақалашиб ишлаб, тобора юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. «Правда» колхозининг механизаторларидан Йўлбарс Қўнабоев, Турсунбой Дадабоев, Мамадали Соиббоев, Свердлов номли колхознинг тракторчиларидан Тожиддин Мамадалиев, Иброҳим Турсунов, Иброҳим Мақсудов, Абдулла Исмоилов, «Ленинград» колхозининг дала гвардиячиларидан Маматхон Юсупов ўртоқлар ғўза қатор ораларини тез ва соз юмшатиб, ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлаяптилар.

«Ленинград» колхозининг Қаюмбой Тошбоев бошлиқ бригадасида 60 гектар ердаги ғўза ёппасига гуллади. «Правда» колхозининг Ўрозали Қўнабоев бошлиқ бригадасида 130 гектар майдоннинг қарийб 100 гектаридаги ғўза гул кўрсатди. Гулга кирган ғўзалар Свердлов номли ва «Партия XXII съезди» колхозларида ҳам бор.

Хоразм область, Ҳазорасп бошқармасидаги «Коммуна», Шовот бошқармасидаги Киров номли, Фарғона область, Охунбобоев бошқармасидаги «Большевик», Қашқадарё область Шаҳрисабз бошқармасидаги Свердлов номли колхозларнинг далаларидаги ғўзалар кундан кун авж олиб ўсмоқда. Бунда механизаторларнинг ҳиссаси катта, деб кўрсатишади Ж. Раззоқов, О. Мадраҳимов, Қ. Полвонов, Т. Тешабоев, М. Хидиров ўртоқлар ўз хатларида. «Коммуна» колхозининг механизатори Тоҳир Юсупов ҳар куни 7-8 гектар ердаги ғўза қатор ораларини сифатли юмшатмоқда.

Киров номли колхознинг тракторчиси Солай Саидов ҳозирга қадар 78 гектар ердаги ғўза қатор ораларини икки марта культивация қилди. «Большевик» колхозининг механизаторларидан Ёқубжон Ғаниев, Нуъмонжон Пўлатов ўртоқлар шу кунгача 180-185 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини чуқур юмшатди. Булар ишлаётган пайкалларда бир туп ҳам бегона ўт йўқ, тупроқ жуда майин.

Ғўзани суғориш — жуда нозик иш. Бу ишда ҳушёр бўлинмаса, анчагина ҳосилдан ажралиб қолиш мумкин. Сирдарё область, Жиззах бошқармасидаги Ленин номли, Хоразм область, Янгиариқ бошқармасидаги Ленин номли колхозларнинг правлениелари, Фарғона областидаги «Ғаниобод» совхозининг дирекцияси ана шуни ҳисобга олиб, ғўзани суғоришга энг яхши сувчиларни ажратишди.

Жиззахдаги Ленин номли колхознинг сувчиларидан Нишон Анқоев, Умар Сафаров, Жўра Эшматов, Ҳайитгул Назарова, Янгиариқдаги Ленин номли колхознинг сувчиларидан Абдушариф Бекчонов, Абдулла Ражабов, Санамжон Саидова, Малика Султонова, Тожигул Жонибекова, «Ғаниобод» совхозининг сувчиларидан Абдували Холмирзаев, Юсуфжон Тошматов, Мирзавали Холмирзаев, Самадали Акбаров ўртоқлар ғўзага сувни кеча-кундуз жилдиратиб тараб, унинг чуқур сингишига, тупроқнинг бир меъёрда намланишига эришмоқдалар. Улар суғораётган карталардаги ғўза айниқса сершох бўлиб ўсмоқда.

Қишлоқ мухбирларидан С. Эргашев, К. Ҳайдаров, А. Рўзиқулов, Х. Дадажонов ўртоқлар ана шулар ҳақида ёзганлар.

Ҳозир ғўза парваришида жуда масъулиятли давр. Барча деҳқон далада бўладиган, мўл ҳосил тўплаш учун ғайратига ғайрат қўшиб ишлайдиган қизғин пайт. Илғор колхоз ва совхозларда худди шундай бўляпти ҳам. Ўртоқ Б. Абдувалиевнинг хабарида кўрсатилишича, Фарғона областидаги Киров номли совхоз территориясида яшовчи кексалар ғўза парваришида яқиндан ёрдам бермоқдалар. 55 кекса ҳар куни 4-5 гектар ердаги ғўзани бегона ўтдан тозаламоқда. Я. Муҳаммадиев, Н. Қорақўзиев ўртоқлар қишлоқлардан келган ёрдамчиларнинг Сирдарё областидаги «Малик» совхозида, Марҳамат бошқармасидаги «Қизил Узбекистон» колхозида пахтакорлар билан ёнма-ён туриб ишлаётганликларини хабар қилганлар.

Шу билан бирга ғўза қатор ораларини ишлашда, суғоришда, ҳашоротга қарши курашда ва бошқа агротехника тадбирларини амалга оширишда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Сурхондарё область, Шўрчи бошқармасидаги «Ленинобод» колхозида ҳамма ишчи кучлари дала ишларига сафарбар этилган эмас. Бу ҳол ғўза парваришининг кечиктирилишига сабаб бўлмоқда. Ўртоқ Н. Турсуновнинг хабарида кўрсатиб ўтилишича, колхозда ғўзани яганалаш нотўғри ўтказилган. Ҳар уяда 6-7 тупдан ғўза қолдирилган. 150 гектар майдондаги экин чанқатиб қўйилган. 6 та чопиқ трактори ҳалигача ишга туширилмаган. Катта-катта майдондаги ғўзани бегона ўт босиб ётибди. Бундай аҳволни республикадаги бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Бу йил республикамизнинг юбилей йили. 3 миллион 600 минг тонна пахтани улуғ тўйга армуғон қилишимиз керак. Бунинг тақдири шу кунларда ҳал қилинади.

### Хатларингизга жавоб берамиз

## ТАСДИҚЛАНДИ

Каттақўрғон район, Хатирчи зонасидаги меҳнаткашлардан редакция номига келган хатда қуйидагилар баён этилган эди:

Район колхозлараро йўл қурилишининг бошлиғи Ражаб Усмонов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, давлат мулки ҳисобига шахсий бойлик орттириш пайига тушиб олди. У қисқа вақт ичида катта ҳовли-жой қурди. Енгил автомашина ва мотоцикл сотиб олди. Бунинг устига давлат машиналаридан ўз шахсий эҳтиёжи учун фойдаланмоқда.

— Хат юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш натижаси Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинди. Хатда баён этилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш давомида Ражаб Усмоновнинг ойлик даромади юзасидан тўлайдиган взносни ҳам тўла бермай яшириб келаётганлиги аниқланди. Бюро мажлиси Ражаб Усмоновга шахсий карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор берди ва вазифасидан четлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Ташкилотнинг ҳисобкитоб ишларини сусайтириб юборганлиги учун бухгалтер А. Зокироваға шахсий карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор эълон қилинди ва у бошланғич партия ташкилотининг секретарлиги вазифасидан олиб ташланди. Шу билан бирга, бюро мажлиси ташкилотнинг молиявий аҳволини ревизия қилиш ҳақида кўрсатма берди, — дейди Самарқанд область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Усмонов редакцияга юборган жавоб хатида.

## 96 ГЎДАК БОҒЧАГА ТОРТИЛДИ

Ленин номли колхоз аъзолари редакцияга йўллаган хатларида боғча ва ясли йўқлиги сабабли оналар ишга яхши қатнашолмай келаётганликлари кўрсатилган.

Бу хат юзасидан текшириш ўтказган Андижон область, Янгиқўрғон район Советн Ижроия Комитетидан қуйидаги жавоб олинди:

— Шикоят хатида кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланди. Ясли ва боғча йўқлигидан кўп оналар унумли ишлаёлмаётганликлари, улар учун зарур маданий-маиший шароит яратилмаганлиги маълум бўлди. Шундан кейин дарҳол чора кўрилди, колхознинг Унҳаёт, Яккатут ва Машад участкаларида доимий ишлайдиган боғча бинолари қурилди ва 96 гўдак боғчага тортилди. 21 жойдаги дала шийпони ремонтдан чиқарилди, маданий дам олиш марказига айлантирилди. Колхозда она ва болаларга қулай шароит яратилди.

Марҳамат районидаги Карл Маркс номли колхознинг гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган А. Сопиов бошлиқ бригадасида ғўза намунали парвариш қилинмоқда. Суратда: сувчи Қодир Ғойибов иш устида. Е. Корниенко фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

# ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ БИЛАН

ТЎЙТЕПА, (Тошкент области). 19 июнь. (УзТАГ). Тожикистон ўзаро текшириш бригадасининг группаси Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозларнинг далаларида бўлди. Кечқурун меҳмонлар билан мезбонлар «Ленин йўли» колхозининг клубига тўпланишди. Урта Чирчиқ деҳқонлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ўз социалистик мажбуриятларини қандай адо этмоқдалар? Узаро текшириш группасининг раҳбари, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари Акбар Мақсумов тўпланганларга ана шуни гапириб берди.

— Урта Чирчиқ пахтакорлари, — деди ўртоқ Мақсумов,— КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлашга зўр бермоқдалар, пахта, каноп, маккажўхори ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз ғўзаларнинг аҳволини текшириб, далаларда кўчат қалинлиги жуда яхши эканлигини, ҳар гектарда 100-110 минг тупгача кўчат борлигини кўрдик. Хўжаликларда Тюпко методи асосида ишлайдиган 439 та механизациялашган звено ташкил қилинган, шулардан 126 таси хўжалик ҳисобида ишламоқда. Энгельс номли колхознинг Собит Тожибоев бошлиқ звеноси ғўзаларни ниҳоятда яхши парвариш қилмоқда. Бу звенода бешта механизатор 50 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Далалар ўтдан тозаланган, ғўзалар бўлиқ, ёппасига шоналай бошлаган.

Кўклам серёмғир келганига қарамай, «Полярная звезда», «Ленин йўли», Энгельс номли ва бошқа хўжаликларнинг далаларида ўт кўринмайди, ғўзалар учинчи марта парвариш қилинмоқда.

Тожикистон вакиллари илғорларнинг фидокорона меҳнатига муносиб баҳо бериш билан бирга нуқсонларни танқид қилдилар. Масалан, Свердлов номли колхозда ғўзани ўт эзиб қўйган, шу чоққача кўчатлар букетировка қилинмаган. Суғориш билан культивация ўртасида катта узилишга йўл қўйилаётганлиги орқасида ер оқариб, ўсимликнинг илдизи қақшаб қолмоқда. Охунбобоев номли колхоз механизаторлари кўндалангига культивацияни 40 сантиметр ўрнига 8 сантиметр кенгликда, сифатсиз ўтказмоқдалар. Культивациянинг чуқурлиги эса уч сантиметрдан ошмаяпти.

Свердлов номли ва Охунбобоев номли колхозларнинг раислари Х. Латипов билан М. Рўзиматов ўзаро текшириш вақтида аниқланган ҳамма камчиликлар 24 июнгача батамом йўқотилади, деб сўз бердилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

# Ништар

## МУЗЕЙБОП ДАФТАР

Қишлоққа келганимга уч йил бўлди. Уқитувчини қишлоқда шунчалик ҳурмат қилишларини билмас эканман, бўлмаса шаҳарда қолдиринглар, деб комиссияга ялинармидим. Тезда қишлоқдаги кишилар билан апоқчапоқ бўлиб кетдик. Камина ҳам бир яхши иш қилиб қўйдиларда: колхоз музейи ташкил қилдик. Колхоз ветеранларининг сурати-ю, омоч-бўйинтуруқдан тортиб кетмон-у этаккача, ҳа, худди ўша, пахта терадиган этаккача музейга қўйганмиз. Этак ҳам бу йил бўлмаса ҳам, вақти келиб музейнинг тўла ҳуқуқли экспонати бўлиб қолади. Ҳозирча экспонатлар мажлисида маслаҳат овозига эга. Айтмоқчи, омоч-бўйинтуруқни Карим қурумсоқ деган чолникидан топдик. Нақ йигирма йилдан буён асраб келаётган экан ўзиям.

— Уйга газ туширишди, энди ўтиннинг кераги йўқ,— деб бериб юборди.

Қизиғи шуки, музейимизда ўқувчиларнинг қийшиқ чизиқли дафтари ҳам бор. Бу дафтар... келинг, яхшиси бир бошдан эшитинг.

Колхозимизда Шодиполвон деган илғор бригада бошлиғи бор. Полвонмисан полвон ўзиям. Кураш тушганини кўрганим йўғ-у, мусобақада елкаси ерга теккан эмас.

У колхозда 5-6 йил раис бўлиб ишлаган экан. Музейга материал тўплаб юриб, Шоди акадан ёрдам сўрадим. У анчагача шоп мўйловини бураб, ўйланиб турди. Кейин:

— Эртага келинг, бир музейбоп дафтар бор, топиб қўяман,—деди.

Уни қарангки, раислик вақтида ўғли тутган кундалик дафтарни сақлаб қўйган экан. Дафтарнинг биринчи варағини очдим-у, бошим билан шўнғиб кетдим. Музейимизнинг олтин фондига киради бу дафтар. Ишонмасангиз баъзи жойларини биргалашиб ўқийлик.

«19.. йил 9 январь. Мажлисда дадам чунонам кўп гапирдиларки, ёнимда ўтирган қоровул эртак айтиб бермаганда ухлаб қолардим. Мажлисдаги кўп одамлар бу эртакни эшитмагани учун ухлаб қолишди. Дадамнинг гапидан билдимки, дунёда энг ёмон нарса кетмон экан. Кетмон дастидан план бажарилмабди, пахта қиммат бўлибди, одамлар оз пул олибди. «Хотин-қизларни оғир кетмондан халос қилиш керак», дедилар дадам. Мен ҳам қарсак чалдим».

«20 март. Дадам доим ҳиринглаб турадиган амакини чақириб, темирчига беш юзта теша заказ қилинг, дедилар. Оғир кетмон ўрнига хотинлар теша билан ишлашармиш. Мен ҳам гулзорга теша билан сув очаман. Ғўзага ҳам теша билан сув қўйишармикин?».

«15 сентябрь. Қизиқ: дадам ўзларига ўзлари гапиряптилар. Битта гапларини ёзиб қўйдим: «Мирқосим универсални эплай олмайди, дейишарди. Беш кунлик ўқишга юбориб, мана энди «ХВС» бериб қўйдим. Кадрлар билан ишламайди, деб кўришсинчи энди!»

«3 октябрь. Пахта тераётган машинани кўргани бордик. Бункер деганига пахта тутдек тўкилаверар экан. Жуда ажойиб! Рисолат холага ёқмаганига ҳайронман. Машина бир кунда терганини мен ҳам икки кунда териб қўярканман, тўкиб кетгани ортиқча, дейди».

«19.. йил 8 февраль. Эрталаб ўрнимдан турсам дадамнинг қовоғи солиқ. Приёмникнинг қулоғини бураган эдим уйимиз куйга тўлиб кетди:

Ёрим менинг қошимда
Севги ёшимда.
Меҳринг борми кўзингда,
Қалам қошингда.

Дадамнинг фиғони чиқиб турган экан, ашулани ғиппа бўғди-қўйди.

— Қалам қошида ҳам меҳр бўладими?! — деди жаҳл билан, приёмник қулоғини бураётиб. Ойим эса яхши бўлди, осонроқ иш беришади дедилар. Дадам энди далада ишлармишлар. Идорада ўтиришдан далада ишлаш осонми? Дадамнинг «Сен нимани биласан!» деб ойимни жеркиб туришлари бежиз эмасга ўхшайди».

Дафтарни кўзга кўринадиган жойга қўювдик, одамлар ўқишавериб, титилиб кетди. Энди ойна остига қўйдик. Шодмон ака музейга кирса, дафтарга қарайди-ю, мийиғида кулиб қўяди.

Колхозингизда музей ташкил қилсангиз қизиқ нарсалар топилаверар экан. Эҳтимол сизнинг колхозингизда ҳам шундай кундалик ёзаётганлар бордир.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

## ШОЛИ БИЛАН КУРМАК

(Масал)

Шоли билан курмак
Дала гаштин сурмак —
Бўлиб, бир пояда,
Офтобда, сояда,
Бир ариқдан сув ичиб катта бўлди.
Кунлар ўтиб, Шоли ҳам донга тўлди.
Бир кун Курмак кўпирди қилиб пичинг:
— Мунча қоматингиз хам?
«Дори-поридан» ичинг!..
Мени кўринг қаддим алиф ҳали ҳам.
Шунда Шоли деди:
— Бўй-бастингга учинма,
Қуруқ уруғ—«донинг» билан чиранма
Сен ғўдайиб, ҳурмат нима билмайсан,
«Ош-нон» берганни назарга илмайсан.
Эгиламан Деҳқонга, салом!— дейман,
Таъзирингни бир берсин — алам!—дейман.
Курмакни қолдириб роса уятга,
Сўнг Деҳқон суғуриб отди уватга.

* * *

Баъзилар бор, кўпик каби кўпирар,
Тузинг ичиб, тузлигингга тупурар.

Нормат ХОЛМАТОВ.

## ОТЛИҚҚА ЙЎҒ-У...

— Приёмник батареяси борми?

— Йўқ.

— Велосипед покришкасичи?

— Отлиққа йўғ-у, пиёдага қаёқда!

Фарғона область, Киров район марказидаги маданий моллар дўконида ҳар куни мана шунақа савол-жавобни эшитасиз. Бу ерга аҳолига зарур маданий моллар ўз вақтида келтирилмаётир. Меҳнаткашлар керакли нарсаларни излаб, бошқа район марказлари ва шаҳарларга қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол Киров район матлубот жамияти правлениеси ходимларини ташвишлантирмаётганига ҳайронмиз.

А. ҚУШОҚОВ.

## МАГАЗИНМИ, МАЙХОНА!

Собит Расуловнинг мушугини ҳам пишт, деб бўлмайди. Бунга ботинганлар ундан осонликча қутулмайдилар.

Яқинда Келес сельпосининг «Чиғатой» дам олиш уйи ёнидаги Расулов мудир бўлган озиқ-овқат моллари магазинида савдо маданияти бузилаётир, айниқса санитария-гигиена қоидаларига хилоф ишлар бўляпти. Магазинда спиртли ичимликлар сотишга рухсат этилмагани ҳолда ароқ, коньяк олиб келиб яшириб, оширилган нархда бутилкалаб ҳам, юз граммлаб ҳам сотила берди. Магазин ёнида ичкиликбозлик, муштлашиш кучайди. Бу ерда ҳар куни шу ҳангома. Ажаб, Расулов ишлаётган жой магазинми ё майхона?!

Ҳ. НОСИРОВ.

НИШТАРГА ХАТ

## БУ ОДАМНИНГ «НАФСИ»

*Сирдарё район Бахт посёлкасидаги 4-маданий товарлар магазинининг мудири Тошпўлат Ермаковнинг ғалати одати бор. Жазмани кўпроқ нарса келса, дарров прилавка остига жойлаштириб қўяди-ю, сўнг оширилган баҳода бафуржа сотаверади.*

*Яқинда келтирилган 200 дона кўп ашула, куйлар ёзилган пластинканинг тақдири ҳам шундай бўлди. Ҳар бир пластинкани ўз баҳосидан 2 сўм ошиқ пуллади.*

*— Нега бундай қиласиз, — деб сўрасангиз.*

*— Одам бўлгандан кейин унинг нафси ҳам бўлади-да,— дейди у икки кўзини бақрайтириб.*

*Ермаковнинг бундай «нафси»дан район матлубот жамиятининг раҳбарлари ҳам хабардормиканлар?*

Т. АҲМЕДОВ.

# ДАВР ҚЎШИҒИНИ ЯНГРАТИНГ, ҚИЗЛАР!

**БАХТИЁР ВА ГЎЗАЛ ҲАЁТИМИЗНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ МЕҲНАТИ ВА ОРЗУ-ЎЙЛАРИНИ ЖЎШҚИН, ДИЛРАБО ҚЎШИҚЛАРДА КУЙЛАЁТГАН ШОИРАЛАРИМИЗ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ҲАЁТИМИЗДАН ИЛҲОМЛАНИБ, АЖОЙИБ ШЕЪРЛАР ЯРАТАЁТГАН БУ ҚИЗЛАРНИНГ ИЖОДИ ТОҒДАН ОҚИБ КЕЛИБ, КАТТА ДАРЕГА—АДАБИЁТИМИЗ ДАРЕСИГА ҚЎШИЛАЁТГАН ТИНИҚ ИРМОҚЛАРНИ ЭСЛАТАДИ. НОЗИК ДИД, ТЕРАН АҚЛ БИЛАН ЁЗИЛГАН БУ ХИЛ ҚЎШИҚЛАР ҚИШИГА ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ, ГЎЗАЛЛИККА, МЕҲНАТГА ЧОРЛАЙДИ. ҚАЛБИНГИЗ САДОСИ ЯНАДА ҚУВНОҚ, ЯНАДА МАЗМУНДОР ЖАРАНГЛАСИН, ҚУШИҚЧИ ҚИЗЛАР!**

## АЁЛ ҚАЛБИ

*Аёл қалби гулдек нафис,*
*Хаёллар каби теран.*
*Шамол бўлиб тўзғитмангиз,*
*Камситманг сўз билан.*

*Ойдин-ойдин кечаларда*
*Юлдузларга термулиб,*
*Сир айтасиз нечаларга,*
*Ўртанасиз чўг бўлиб,*
*Дилингизни ёндирган,*
*Аёл қалби эмасми?*

*Ўтли ғазаллар ёзасиз,*
*Дил дафтарин тўлдириб,*
*Сўнгсиз хаёлга толасиз,*
*Сув бўйида ўлтириб.*
*Тинчингиз олиб қўйган,*
*Аёл қалби эмасми?*

*Илк севги ғунча очга*
*Кулги дудоғингизда,*
*Бахт қуёши нур сочса —*
*Ер кўкса боғингизда.*
*Кўксингизни тоғ этган,*
*Аёл қалби эмасми?*

*Бўлишса оромингиз*
*Жажжи-жажжи дўмбоқлар.*
*Тутқизмай илҳомингиз*
*Олиб қочса ўйноқлаб,*
*Меҳри лимо-лим жўшган*
*Аёл қалби эмасми?*

*Тонг нонушта тайёрлаб*
*Эгнингизни тузатган,*
*Сўнг кайфингизни чоғлаб,*
*Хизмат сари кузатган,*
*Оқшом интизор кутган,*
*Аёл қалби эмасми?*

*Вафосиз бўлсангиз гар,*
*Нозик дили ғашланар,*
*Уша оҳу, жилвагар*
*Кўзлар аччиқ ёшланар,*
*Садоқатда синалган,*
*Аёл қалби эмасми?*

*Аёл қалби гулдек нафис,*
*Хаёллар каби теран.*
*Шамол бўлиб тўзғитмангиз,*
*Камситманг сўз билан.*

**Эътибор ОХУНОВА.**

## ЧЎПОН БИЛАН УЧРАШУВ

Йўлим тушди бир куни қирга,
Кўзларимга ишонмай қолдим.
Дугонам-ла чиққандим бирга,
Қўй-қўзилар ичра йўқолдим.
Ям-яшилдир майсазор бағри,
Гавжум эди шўх «ба-ба»лардан.
Кўрган ниши очилиб баҳри,
Истамасди нетишни ҳеч ҳам.
Чўпон намчи тутса ҳавода,
Йиртқич бўри зир қақшар экан.
Найин чалса юз хил навода,
Тинглаш учун пода неларкан.
Йигит телпак остидан боқди:
Шўх, қуралай қопқора кўзи.
Вужудимда севги ўт ёқди,
Мафтун этди йигитнинг ўзи.
Қимиз тутди у бир пиёла,
Ҳалжоним сезмади бироқ.
Титроқ қўл-ла олдим уялиб,
Ишқи яна бўлди зиёдроқ.
...Шундан буён қирга ошиқман,
Соғинганда тушаман йўлга.
Чўпон ишқин қилиб қўшиқ мен,
Рубобимни оламан қўлга.

**Мунамбар ОРИПОВА.**

## ШАРШАРА

Татра чўққилари... Қатлам-қатлам
муз.
Худди шу чўққидан пастга тикиб
кўз.
Қайнаб отилади бир тегирмон
сув.
Мағрур овозидан тоғлар
кўчгудай,
Сурони солади юраккa ғулу...
Ажабо!
Боқаман...
— Теран шаршара!—
Дея мақташади атрофдагилар.
Пастга бир қаранг-а, бўлан
манзара:
Уша бежилов сув, ўша ўжар сув
Мулойим, беозор... ер бетин
ўпар.
Шунчалар кучлини меҳринг
Она-ер,
Шаршарада чуввос солган сув—
бебош,
Имтиҳон топшириб чиққан
ўсмирдай,
Тиниб-эркаланар кўксингда
ювош.

**Малика МИРЗАЕВА.**
Фарғона.

## УВАЙСИЙНИ ЎҚИБ...

Қўлимда девонинг: хўрланган
кўнгил
Ғамгин шиноятн, ҳасрат, оҳ,
доди.
Замона зулмидан, аччиқ
қисматдан
Юксалар у нозик юрак фарёди.
Ғазалларингни бу, ё асил
маржон,
Саф тортганми унга сўзлар
гавҳари?
Ҳар сатринг нур олиб қўёшли
қалбдан,
Туғён этар мудҳиш зулматга
бари.
Қанча гўзал бўлма, қанчалар
доно,
Эрнинг кишанлаган экан тожу
тахт.
Шунингчун мисралар нолали,
дардманд,
Шеърларингда ноёб экан бир
сўз—бахт!
Девонни ёпаман: Қалбда ҳалжон,
Севинчла атрофга боқаман
шодмон:
Бу бахтлар гулшани—хур
Ўзбекистон
Ленин даҳоси-ла яшнаган бўстон
«Замон кулфатидан доғ ўлган
кўнгил»,
Кўрса давримизни бўларди
хушҳол.
Бунда қўшиқлар хур, нурли
бахт мангу,
Авлодларинг қучган порлоқ
истиқбол.

**Фотима ТОШМАТОВА.**

## БАЙТИМ КЕЛАДИ

*Севинаман мусаффо тонгда,*
*Гул барги-да ўйнашса еллар.*
*Севинаман ҳар куни тонгда*
*Хониш қилса куйчи булбуллар.*
*Қуёш балқиб ёқут уфқда*
*Заррин нури ёғганда қанот,*
*Севинаман яшил водийлар*
*Қучоғида бошланса ҳаёт.*
*Ортда қолмай дея ҳаётдан*
*Уйғонаман қуёшдан эрта.*
*Қўлга олиб меҳнат қуролин*
*Машқ қиламан мен қайта-қайта.*
*Куйга солиб ҳаёт севинчин*
*Одамларга айтгим келади.*
*Эл, Ватаним қўлламоқ бурчим*
*Қайнаб, жўшиб байтим келади.*

*Зулфия МИРЗУЛАТОВА.*

## ҚАЙТСАНГИЗ АГАР...

*(Улуғ Ватан урушида халок бўлган акамга)*

*Билганимда кўрмаслигимни*
*Тўйиб-тўйиб қараб олардим.*
*Юзингизни, қиёфангизни*
*Дилда мангу сақлаб қолардим.*
*Етган бўлсам бешикда, балки*
*Жажжи қўлим узатгандирман.*
*Кетар чоғи маржондай ёшлар*
*Кўзингиздан узилгандир ҳам.*
*Охирги бор онамни кучиб,*
*Кўкрагига қўйгандирсиз бош.*
*Отам билан хайрлашганда*
*Екангизга томганмиди ёш?*
*Акажоним, қайтсангиз агар*
*Бўйингизга осилар эдим.*
*Юзингиздан тўйиб ўпсам мен*
*Соғинганим босилармиди...*
*Афсус ўша одамхўр уруш*
*Ютди сизни машъум қаърига.*
*Сиз-мас яна минг-минг*
*фарзандлар*
*Қайтишмади она бағрига.*
*Ишонаман, энди ғўдаклар*
*Менга ўхшаб, ҳеч доғда қолмас!*
*Онам қасди, оналар қасди*
*Юртимизга душманни қўймас.*

*Муқаддас АБДУСАМАТОВА.*

Семашко номидаги Тошкент даволаш институтида яқин кунларда 250 ўринли янги даволаш корпуси ишга туширилади.
Суратда: янги даволаш корпусининг умумий кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

# Олимпиада теварагида

### «ТОКИОГА ЙЎЛ ОЧИҚ!»

Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ўтказилаётган олимпиада олди мусобақалари қизғин тус олди. Айрим турлар бўйича ким Токиога бориш масаласи ҳал бўлди. Сув полоси бўйича ўтказилган мусобақалар ҳақида «Берлинер цейтунг» газетасининг спорт комментатори қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Бирлашган Германия командаси олимпиада ўйинларида биринчи марта 1956 йилда Мельбурнда қатнашган эди. Ушанда сув полочиларининг саралаш мусобақаларида олти партиянинг бештасида Ғарбий Германия спортчилари ғолиб чиққан эдилар. Орадан тўрт йил ўтгач, икки немис давлатининг спортчилари баҳси қўшимча мусобақада ҳал бўлди. Улар ўзаро учрашувни нейтрал майдонда — Швециянинг Уппсала шаҳрида ўтказдилар. Кескин ўтган учрашув Германия Федератив Республикаси командаси фойдасига тугади.

Бу йил ГДР ватерполчилари Магдебургда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонганларидан сўнг Вупперталда (Германия Федератив Республикасидаги учрашувни дуранг билан якунласалар. Токиога йўлланма олган бўлардилар. Маълумки, саралаш мусобақалари икки даврада ўтказилади. Вупперталдаги учрашувда ГДР спортчилари рақиблари ҳужумини қайтариб, учрашувни 1:1 ҳисоби билан дуранг қилишга муваффақ бўлдилар. Ғарбий Германия спортчилари сўнгги минутларда жавоб тўпини киритдилар. Токиога йўл очилди!

### АДА КОК КУРАШНИ БОШЛАДИ

Англия газеталари ўн етти ёшлик Голландия сузувчиси Ада Конни «Блэкпуль ҳавзасининг қаҳрамони» деб атамоқдалар. Яқинда Улуғ Британия ва Голландия Блэкпуль шаҳар ҳавзасида мусобақалашдилар. Ана шу мусобақада Ада Кок 110 ярд (100 метр) масофани 1:05,1 секундда баттерфляй усулида сузиб ўтиб, жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди.

Мусобақадан кейин сузувчини журналистлар ўраб олишди. Улар ютуқни спортчининг ўзи қандай баҳолашини билишга қизиқардилар. «Мен, — деди спортчи, — буни Токиода оладиган медаль учун бошланган жиддий тайёргарлик деб ҳисоблайман. Мен ҳозирдан яхши спорт формасидамман. Ўўр бериб машқ қилаётирман ва Олимпиада мусобақалари бошлангунча бу натижани яхшилаш ниятидаман».

— Тренировкаларда қанча миль сузиб ўтаётирсиз? — деган саволга голландиялик ўқувчи ҳазил аралаш: «Мен қанча сузиб ўтганимни ҳисоблай олмайман. Агар босиб ўтган масофаларни қўшиб ҳисоблаганда самолёт ва пароходсиз Токиога сузиб борган бўлардим». — деди спортчи. У сўзининг охирида Голландиянинг терма командаси айни вақтда Токио ўйинларига пухта тайёрланмаганлигини қайд қилиб ўтди.

### УМИДЛАРИ КАМ

— Швеция спортчилари Токиода ўтказиладиган мусобақаларда медаль олишга умидлари кам, — деб ёзади Швеция газетаси «Шпорт». Газета мамлакатда спорт кескин орқага қараб кетганлигини эслатиб, қишки Олимпиада ўйинларининг ачинарли сабоқларини қайд қилиб ўтади. Қишки спорт турлари энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланган Швецария командаси. Австриядан бирорта ҳам медаль олиб келолмади. Айтгандек бу ютуклик тўғри эмас. Олимпиада кунларида Инсбрукда ошпазларнинг ярмаркаси ўтказилди. Бунда Базел, Цюрих ва Женеванинг ошпазлари бир неча бронза медали олишга муваффақ бўлдилар. Швецария журналистлари яхшиямки ошпазларимиз бор экан, улар Инсбрукдан медаль олиб келишга муваффақ бўлдилар» деб пичинг қилдилар. Бу пичинг Токио олдидан ўз кучини сақлаб қолмоқда. «Швецария спорт раҳбарлари Токиога жўнаш учун тезлик билан олимпиада ошпазлар терма командасини тайёрлаши керак», — деб ёзади Австрия газетаси «Фольксштимме».

# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

**Осиё ва Африка мамлакатлари адабиётларини ўрганиш ва таржима қилиш юзасидан Москвада бўлиб ўтган семинар қатнашчилари—икки қитъадаги бир қанча мамлакатларнинг ёзувчилари, адабиётшунос олимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, танқидчилари, таржимонлари, нашриёт ходимлари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Улар 19 июнда Самарқандга боришди. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг архитектура ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.**

**Семинар қатнашчилари эртаси кун Тошкентга қайтиб келишди. (ЎзТАГ).**

# ТИНГЛАНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**21 ИЮНДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика** машғулоти, 11.20 — **Концерт** (болалар учун), 12.05 — **Саёҳатдан мақсад — Эрфурт** (киноповесть), 13.10 — **Чорраҳадаги воқеа** (ҳужжатли фильм), 13.20 — **Мен — яхши ўқувчи** (болалар опереттаси).

Ўзбек тилида: 14.30 — **Кичкина Кубус ва унинг дўстлари**, 14.50 — **Концерт** (болалар учун).

Рус тилида: 17.00 — **Тяпа-Ляпа ва ёнгин** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Лўли барон** (И. Штраус опереттасининг монтажи). 19.00 — **Спорт эшиттириши**,

Ўзбек тилида: 19.45 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 20.00 — **Спорт эшиттириши**, 20.45 — **Велосипед ўргатувчилар** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 22.00 — **Фарғона тонг отгунча** (М. Исмоилий романи асосида телеспектакль премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

## ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА —21/VI кеч соат 8 да премьера **Пан воевода** (4 пардали опера).

## Диссертация ёқлайдилар

**1964 йил 1 июль** кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг иқтисод фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, кичик конференц-зал)

**Ю. В. Котов** — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Совхозларда пахта етиштиришни интенсивлаш» деган темада.

---

**1964 йил 2 июль** кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология ҳамда Шарқшунослик институтларининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар бўлимининг конференц-зали) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

**М. С. Бағдалова:** «Туркистон Марказий халқ хўжалиги кенгашининг граждан уруши давридаги фаолияти (1918—1920 йиллар)» деган темада.

**Ж. Уббиниязов:** «Қорақалпоғистон АССР саноатининг ривожланиш тарихи (1917—1941 йиллар)» деган темада.

---

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

---

Томская кўчаси, 10-уйда турувчи **Усмон Умаровнинг** Навоий кўчаси, Марҳамат проезд, 5-уйда турувчи Ҳалима Умаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

---

Шота Руставели кўчаси, Яковлев проезд, 43-уйда турувчи **Ғафуржон Абдуқодировнинг** Дарҳон кўчаси, Гунча тупик, 18-уйда турувчи Клара Абдуқодировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

---

Татарская кўчаси, 66-уйда турувчи **Йўлдош Олимжоновнинг** Профсоюз кўчаси, 125-уйда турувчи Ноила Олимжановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

# ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

## САФАР ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

**ВАШИНГТОН, 19 июнь. (ТАСС). 1962 йилда АҚШ ички ишлар министри С. Юдолл бошчилигида Америка мутахассисларининг бир группаси Совет Иттифоқига бориб келган эди. Шунга жавобан келган Совет бинокорлари ва энергетиклари делегацияси АҚШ бўйлаб уч ҳафта давом этган сафарини тугалламоқда.**

**Делегация бошлиғи СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков билан СССР Энергетика ва электрлаштириш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси министр П. С. Непорожний кеча президент Кеннедининг миллий Арлингтон мозоридаги қабрини зиёрат қилиб, қабр устига гулчамбар қўйдилар.**

**И. Т. Новиковни кеча Оқ уйда АҚШ президенти Л. Жонсон, шунингдек давлат секретари Д. Раск қабул қилдилар.**

**Совет бинокорлари ва энергетиклари делегациясининг АҚШга қилган жавоб визити фойдали бўлди. Совет мутахассислари Теннесси дарёсининг водийси районидаги ҳамда Сан-Луис, Лос-Анжелос, Сан-Франциско, Детройт яқинидаги бир қанча йирик энергетика ва қурилиш объектларини бориб кўрдилар. Улар Америкадаги лойиҳалаш ташкилотларининг иши билан танишдилар, Америка мутахассислари билан учрашиб, тажриба алмашдилар.**

**Америка компаниялари ва мутахассисларининг вакиллари совет ва Америка мутахассислари ўртасида тажриба алмашинишни давом эттиришни ҳамда алоқаларни кенгайтиришни ёқлаб фикр билдирди. Зотан, деб таъкидладилар улар, бу иш фан ва техника тараққиётигагина ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга совет ва Америка халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга ва дўстликни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.**

## СОВЕТ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИДА

ДЕҲЛИ, 20 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутати, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бошлиқ СССР Олий Советининг Индонезияга ўтраётган делегацияси визит билан махсус «ИЛ. 18» самолётида бугун бу ерга келишди. Совет парламенти аъзолари Ҳиндистон ҳукуматининг меҳмонлари бўлади.

## ИРОҚ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАСАМИ

*БАҒДОД, 19 июнь. (ТАСС). Ироқ Республикасининг президенти Абдил Салом Ориф кеча бош министр Тоҳир Яҳё бошлиқ янги ҳукуматнинг қасамини қабул қилди.*

*Ҳукуматга бошчилик қилаётган Тоҳир Яҳё айни вақтда мудофаа министри вазифасини ҳам бажаради. Суббҳи Абдил Ҳамид ташқи ишлар министри лавозимида, генерал Рашид Муслих эса ички ишлар министри лавозимида қолди. Ҳукумат составига янги беш киши киритилди.*

*Янги ҳукумат араб давлатлари бошлиқларининг конференциясида қабул қилинган араб территорияларини озод қилиш учун олиб борилаётган курашни батамом қўллаб-қувватлаяжагини билдирди.*

## ЭКВАДОР ВАТАНПАРВАРЛАРИ ОЗОД ЭТИЛСИН!

ГАВАНА, 19 июнь. (ТАСС). Уругвай миллий конгрессининг 10 сенатори ва 23 депутати Эквадор ҳарбий хунтасига мурожаат қилиб, собиқ сенатор, Эквадор Коммунистик партиясининг бош секретари Педро Саадни озод этишни талаб қилдилар.

Турли сиёсий партияларга мансуб бўлган Уругвай парламенти аъзоларининг мактубида айтиладики, Педро Саад суд қилинмасдан ва терговсиз ўн бир ойдан бери Китодаги «Гарсиа Морино» тюрьмасида ётибди.

Пренса Латина агентлиги мухбирининг Монтевидеодан хабар беришича, Уругвайнинг парламент аъзолари Эквадор маъмурларидан умумий амнистия ўтказилишини ҳам талаб қилганлар.

## ЖАНУБИЙ АФРИКАДА ҚОР ЁҒДИ

**ПАРИЖ. Кап вилоятидаги, Транскее ва Трансваалнинг шимолидаги тоғлар қор билан қопланди. Қор Жанубий Африканинг каттагина қисмига, шу жумладан Калахари чўлига ҳам ёғди, деб хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири Иоганнесбургдан. Мамлакатдаги бир қанча районларнинг аҳолиси бундай ҳодисани ўз умрларида биринчи марта кўрди. Бу ерда аср бошидан бери қор ёғмаган эди. (ТАСС).**

## АТИГИ ТЎРТ ОВОЗ ОРТИҚ

АНҚАРА, 19 июнь. (ТАСС). Туркия парламентининг қўйи палатаси бугун Исмат Иненю ҳукуматининг Кипрга нисбатан сиёсати масаласи юзасидан бу ҳукуматга 199 овоз билан ишонч билдирди. Бу масала овозга қўйилганида 195 депутат ҳукуматга ишонч билдирилишига қарши овоз берди ва икки депутат овоз бериш вақтида бетараф қолди. Бу ерда айтишларича, ҳукумат ишонч вотумини олган бўлса ҳам, палатадаги барча депутатларнинг ярмидан камроғи унга ёқлаб овоз берган. (Қўйи палатада жами 450 депутат бор). Шундан кейин министрлар кабинети рўй берган аҳволни муҳокама қилмоқ учун шошилинч суратда мажлис ўтказди.

## ГОЛДУОТЕРГА МАДҲ ЎҚИШМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 19 июнь. (ТАСС). Голдуотерни АҚШ президенти лавозимига зўр бериб тиқиштираётган кучлар ана шу ўтаконсерватив сенаторни кўкларга кўтариб мақташ мақсадида яна бир найранг ишлатишди. Конгресс аъзоси бўлган республикачилардан 54 киши баёнот эълон қилиб, АҚШ президенти лавозимини даъво қилаётган бу одамни йўқ ердаги гаплар билан роса мақташди. Баёнотни имзолаган кишилар, жумладан, Голдуотер «республикачилар партиясининг кучларини шу кучларнинг традицион фалсафаси асослари тевирагида» бошқа ҳар кимга нисбатан яхшироқ бирлаштира олади, деб даъво қилишади.

## ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● *Польша билан Ҳиндистон ўртасида 1965—66 йилларда товар айирбошлаш тўғрисида Варшавада протокол имзоланди. Польша Ҳиндистонга капитал асбоб-ускуналар — комплект саноат объектлари, генераторлар, станоклар, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва бошқа машиналар юборади. Польша бунинг эвазига Ҳиндистондан темир ва марганец рудаси, концентрат озуқа, чарм, чой ва баъзи саноат моллари олади.*

● *«Дейли телеграф» газетасида эълон қилинган жамоат фикрини сўраб чиқиш натижаларига қараганда, Англиядаги сайловчиларнинг 51,5 проценти лейбористлар партиясига ва фақат 41,5 проценти консерваторлар партиясига тарафдордир. Шу сўраб чиқишда мамлакатдаги барча сайлов округларининг қариб учдан бир қисминнинг вакиллари қатнашдилар.*

● *Покистон пойтахти Карачида ҳар 66.500 аҳолига битта касалхона тўғри келади. Шаҳардаги даволаш муассасаларининг кўпи хусусий кишилар қўлида. Даволаниш учун тўланадиган ҳақ шу даражада кўпки, бу касалхоналардан фақат аҳолининг ўзига тўқ кишиларигина фойдаланишлари мумкин.*

● *Кения билан Болгария ўртасида савдо шартномаси имзоланди. Кейинги вақтларда Кения Совет Иттифоқи, Польша ва Чехословакия билан савдо битимларини тузди. Германия Демократик Республикасининг савдо делегацияси ҳам Кенияда бўлди.*

● *Шу йил 24 октябрдан бошлаб Жанубий Родезия тўғридан-тўғри Родезия деб аталади. Солсбериядаги Жанубий Родезия ирқчилар ҳукумати шу ҳақда расмий равишда эълон қилди. Бу мамлакатга машҳур инглиз мустамлакачи Сесиль Родс номи мажбуран қабул қилдирилган эди. Ирқчиларнинг мақсади шармандали номни Африкадаги шу мамлакатда сақлаб қолишдан иборатдир. Жанубий Родезиянинг африкалик аҳолиси миллий озодлик учун курашмоқда ва ўз мамлакатини Зимбабве деб атамоқда.*

● *АП агентлигининг хабарига кўра яқинда Японияда ер қимирлашдан зарар кўрган Ниигата шаҳрида 19 июнда уч балл даражасида яна ер қимирлаган.*

## 113 ДАВЛАТ ИМЗОЛАДИ

ЖЕНЕВА, 19 июнь. (ТАСС). 113 давлат вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сав до-сотиқ ва тараққиётга бағишланган Женева конференцияси нинг якуловчи ҳужжатини имзолади. Бу ҳужжат конференциянинг ишларига якун ясайди. Конференциянинг ишида 120 га яқин мамлакат вакиллари қатнашдилар.

Якуловчи ҳужжатга 25 июнгача имзо чекиш мумкин.

## АТИГИ ТЎРТ ОВОЗ ОРТИҚ

АНҚАРА, 19 июнь. (ТАСС). Туркия парламентининг қўйи палатаси бугун Исмат Иненю ҳукуматининг Кипрга нисбатан сиёсати масаласи юзасидан бу ҳукуматга 199 овоз билан ишонч билдирди. Бу масала овозга қўйилганида 195 депутат ҳукуматга ишонч билдирилишига қарши овоз берди ва икки депутат овоз бериш вақтида бетараф қолди. Бу ерда айтишларича, ҳукумат ишонч вотумини олган бўлса ҳам, палатадаги барча депутатларнинг ярмидан камроғи унга ёқлаб овоз берган. (Қўйи палатада жами 450 депутат бор). Шундан кейин министрлар кабинети рўй берган аҳволни муҳокама қилмоқ учун шошилинч суратда мажлис ўтказди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва алоқалар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистона» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 06754. ИНДЕКС — 64543. № 5 — 143.